VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

33 (250) ● 2013 йил 28 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллик айёми арафасида турибмиз. Бу байрам миллатимизнинг ўзлиги, қадриятлари ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этгани билан қадрлидир.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Юртимизда кечаётган модернизация жараёнида ЎзМТДПнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, дастурий мақсад ва ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга

5 НИГОҲ



«Fitch Ratings» халқаро рейтинг компанияси "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг 2012-2013 йиллардаги фаолияти учун "Барқарор" рейтингини тақдим этди.

7 ЖАРАЁН

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ТЎҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонида тўпланиб турган сиз, азиз "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини қутлашга, барча-барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашаётган юксак мартабали меҳмонларимизга - ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаноб Мун Хюнг Сукка, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси жаноб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва ташаккуримни изҳор этаман.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машҳур мусиқа арбоблари - Марокашдаги "Тимитар" халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаноб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаноб Кавасе Тадасуке, шунингдек, Афғонистон ахборот ва маданият вазири жаноб доктор Саид Маҳдум Рахин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаноб Датук Аҳмад Фейсал Толиб қатнашаётгани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуфуз бағишлайди.

Халқаро фестивалимизда яна бир ҳурматли меҳмонимиз — Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таниқли сиёсатчи жаноб Жеймс Патрик Моранннинг иштирок этаётгани барчамизга катта мамнуният етказади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакилларини қутлашни истардим.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз меҳмонларимизни шарқона эҳтиром билан "Хуш келибсиз азим Самарқанд заминига, хуш келибсиз меҳмондўст Ўзбекистонимизга!" деб кутиб оламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган қароримиз нақадар тўғри бўлганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти иқлимга машҳур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табиати билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шаҳар энг юксак халқаро анжуманларни ўзида қабул қилишга ҳар томонлама муносибдир.

Бундай улуғвор ва табаррук шаҳарнинг юраги бўлмиш, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам саҳна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат мухлислари хотирасида ўчмас из қолдиради.

Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган "Шарқ тароналари" фестивалининг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали териннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини **ҳеч қандай таржимонсиз** бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида беғараз хизмат қилаётган, Шарқнинг мумтоз санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидойи инсонларни, моҳир санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдизларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоён этишда "Шарқ тароналари" каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Айни мана шундай олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қиламиз.

Азиз фестиваль иштирокчилари!

Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд аҳлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд аҳлига барчангизнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан самимий миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдон бўлган Самарқанд халқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюртларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд руҳ бағишлайди.

Азиз юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан — "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



## САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

### Самарқанд шаҳрида 27 август куни "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди

Мусиқа — инсониятнинг буюк кашфиёти, қўшиқ ўзига хос маънавий мулоқот воситасидир. Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар, тасаввур ва кечинмалар куй-қўшиқларда ўз ифодасини топади. Диллардан дилларга, эллардан элларга кўчади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусиқа ва қўшиқ орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най топилгани, кўҳна Афросиёб деворий суратларидаги машшоқ ва муғаннийлар тасвири, улуғ алломаларимизнинг мусиқага оид фалсафий-эстетик қарашлари халқимизнинг қадимда ҳам мусиқий салоҳияти нақадар юксак бўлганидан далолатдир.

Абу Наср Форобий "Мусиқа ҳақида катта китоб" кўп жилдли асарида товушларнинг вужудга келиши, куйлар уйғунлиги, ритм ўлчовлари ва турларини чуқур ўрганган. Рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби чолғу асбобларида куй чалиш қоидаларини турли жадваллар, геометрик чизмалар орқали шарҳлаб берган.

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" китобида юрак, асаб касалликларини мусиқа воситасида даволаш яхши самара беришини таъкидлаган. Бугунги кунда бутун дунёда кенг қўлланилаётган "мусиқа терапияси" услуби ана шу қоидага асосланади.

2-бет

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## Мустақил тараққиёт истиқболи

### юрт тинчлиги, инсон манфаати ва демократик жамият барпо этишда намоён бўлмоқда

*Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик тантаналарига саноқли кунлар қолди. Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*



Таъкидлаш жоизки, истиқлол халқимизга ўз тақдирининг эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имконини берди. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчилик, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ҳамда осойишталик, халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётганлиги ва бошқа кўплаб эзгу ишлар замирида мустақиллик шарофати ва имкониятларини кўрамиз.

Мустақиллик туфайли дунё харитасида янги ўзбек давлати пайдо бўлди. Бугун халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаб, халқимиз ва миллатимиз номи жаҳонга танилди.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

## Самарқанд шаҳрида 27 август куни “Шарқ тароналари” тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди



(ЎзА) олган суратлар.

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Комил Хоразмий Хоразм нотасини ихтиро қилиб, “Рост” мақомининг дебочасини ушбу нотага туширган. Унинг “Танбур чизиқлари” асарида миллий мусиқамиз тарихи ва назариясига оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг барча соҳаси қатори мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Самарқандда ўз даврининг энг машҳур созанда ва хонандалари, шоирлар жам бўлган, мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” китобида шундай анжуманлар ҳақида “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди”, деб ёзади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан орадан қарийб олти аср ўтиб, бу анжуман “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали тимсолида қайта тикланди. Бугун ҳам Самарқандда Мағрибу Машриқдан келган хонандаю созандалар жам бўлиб, ўз миллий қўшиқларини ижро этмоқда.

Самарқанд, Регистон майдони. 27 август, соат 19.00.

...Қадим миноралар, нилий гумбазлар ранго-ранг чироқлар ёғдусида жилоланади. Улуғвор обидалар қалбларга байрамона руҳ, анжуманга шукуҳ бағишлайди. Майдондаги улкан амфитеатр анъанавий “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан тўлган. Улар орасида фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, мусиқашунос олимлар, санъат ихлосмандлари, чет эллик журналистлар, сайёҳлар бор.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Карнай-сурнай, ноғора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, жаҳонда тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини, Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган “Шарқ тароналари” фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини таъкидлади.

Мусиқа садолари остида муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари - 52 мамлакат санъаткорлари кириб келади.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бойсун фольклори, Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданият саройлари, санъат йўналишидаги коллеж ва лицейлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти, мусиқа таълими изчил ривожлантирилмоқда.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Ниҳол», «Келажак овози», «Янги авлод», «Марду майдон» каби кўрик-танловлар мамлакатимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилаётир. «Асрлар садоси» халқаро фестивали халқимиз маънавий мероси ва замонавий санъат уйғунлигини жаҳон узра намойиш этмоқда.

Мусиқа, оҳанг, тарона тили, дини ва урф-одати турлича бўлган барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

“Шарқ тароналари”нинг мазмун-моҳиятида ана шундай умуминсоний қадриятлар мужассамлиги боис ҳам бу фестиваль дунё жамоатчилиги эътиборини тобора кенг қозонмоқда. Фестиваль жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб мамлакатлар, халқаро маданият ташкилотлари, машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Хусусан, 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга Осиё, Африка, Европа ва Америкадаги 52 давлатдан санъат намояндалари ташриф буюрди. Фестиваль Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳам анжуманнинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Ушбу фестиваль янги номларни кашф этиш, санъат ва санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, айни чоғда миллий мусиқа санъатимизни, мамлакатимиз тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим омил бўлмоқда.

Фестиваль санъаткорларнинг ижодий изланиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашишида ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Анжуман доирасида ўтказиладиган турли маданий тадбирлар, «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» мавзусидаги илмий конференция бунинг учун кенг имконият яратади.

Фестиваль қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий саҳнадан ташқари, шаҳардаги “Мўъжиза” ва «Ниҳол» амфитеатрлари, “Ёшлик” истироҳат боғи, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой, Оқдарё туманларида концерт дастурларини намойиш этиши, санъат ихлосмандлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва меҳмондўст халқимиз билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Фестиваль сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга узатилди.

**Ирода УМАРОВА,**
**Анвар САМАДОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

### Сўз — фестиваль иштирокчиларига

# ЎЗБЕКИСТОН — ЎТМИШИ БОЙ, БУГУНИ ФАРОВОН, ЭРТАСИ БУЮК МАМЛАКАТ

***“Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан санъат намояндалари, мусиқашунослар ва бадиий жамоалар Самарқандга ташриф буюрди. Улар вилоятда мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар, тикланган ва янада чирой очган тарихий обидалар билан танишмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири меҳмонларнинг баъзилари билан суҳбатлашди.***

***Давид ХЕБЕРТ,***
***Берген университети профессори (Норвегия):***

— Кўплаб халқаро маданий анжуманларда иштирок этганман, бироқ мамлакатингизда юксак савияда ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали кўрганларим ичида энг аълосидир. Фестиваль турли миллатлар санъатлари намойиши асносида халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштираётгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мусиқа байрами Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни ўзида мужассам этган. Улуғ ўтмиш, бугунги ободлик ва фаровонлик, эртанги буюк келажакни ўзида бирлаштирган бунёдкорлик намунаси - Регистонда янграган ҳар қандай оҳанг инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб бориши, қалбларни мафтун этиши табиий. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасидир.

***Нобутака САТО,***
***“Чикуюша” гуруҳи ижрочиси, (Япония):***

— Японияда мустаҳкам мавқега эга етти кишилик гуруҳимиз билан жуда узоқ тарихга эга соз — Шакухачи миллий созини чалиб келамиз. Бу соз илк бор 1300 йил муқаддам чалинган. Бамбукдан ясалган мазкур мусиқа асбобидан ҳозирда кам фойдаланилса-да, бироқ унинг ўзига хос сокин ва майин оҳанги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Самарқанд вилоятидан 3300 йил муқаддам суякдан ясалган най топилганини эшитиб, ҳайратландим. Бу халқларимизнинг санъатни ҳис қилиши, мусиқани руҳий камолот воситасига айлантиришдаги интилишлари қадимий ва муштарак эканидан далолат беради.

Япония билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган мустаҳкам ҳамкорлик ва дўстлик ришталари қарор топган. Мамлакатларимиз бугун маданият ва санъат йўналишларида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидек ноёб ва нуфузли маданий анжуманда япониялик санъаткорлар мунтазам иштирок этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Бу фестиваль ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали турли халқлар вакиллари қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига янада мустаҳкам пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилаётир.

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

# Мустақил тараққиёт истиқболи

## юрт тинчлиги, инсон манфаати ва демократик жамият барпо этишда намоён бўлмоқда

**Албатта, мустақиллик неъмати осонликча қўлга киритилгани йўқ. Кишилик тарихидан маълумки, бир сиёсий-иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш, доимо иқтисодий бўҳронлар, ижтимоий-сиёсий кескинлик шароитида ўтган. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк даврларидаёқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин жамиятга ўтиш жараёнида мамлакатнинг миллий манфаатлари олий қадрият сифатида кун тартибига қўйилди.**

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Албатта, мустақиллик неъмати осонликча қўлга киритилгани йўқ. Кишилик тарихидан маълумки, бир сиёсий-иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш, доимо иқтисодий бўҳронлар, ижтимоий-сиёсий кескинлик шароитида ўтган. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк даврларидаёқ ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин жамиятга ўтиш жараёнида мамлакатнинг миллий манфаатлари олий қадрият сифатида кун тартибига қўйилди. Яъни ислоҳот ислоҳот учун эмас, энг аввало, инсон манфаатлари учун, деган тамойилга суянилди. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини танлади: ўзига хос ва мос йўлдан борди — кимларгадир эргашмади.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳали ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз боис йирик давлатлар иқтисодиёти касодга учраётганлиги, минглаб одамлар ишсиз қолиб, ижтимоий муаммолар кескинлашиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шундай шароитда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7,3 фоизга, чакана товар айланмаси 14,6 фоизга ўсганлигининг ўзи ҳам Ўзбекистон тўғри йўлни танлаганлиги, узоқни кўра билганлиги, мавжуд ҳолат ва вазиятни тўғри баҳолаб, ўз вақтида чора-тадбирлар кўра билганлигига ёрқин далолатдир. Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 554,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 334,4 мингтадан кўпроғи ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларида яратилди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида гапирганимизда кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланганини алоҳида эътироф этиш зарур. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳар бир фуқаро қалбининг туб-тубидан ўрин олди. Мустақиллик шарофати билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз ҳамда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий сингари буюк давлат арбоблари ва алломаларимиз, шунингдек, “Авесто” ва “Алпомиш” каби маънавий обидаларнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Яъни биз ким эканлигимизни, кимларнинг авлоди эканлигимиз дунё аҳли кўрди, билди ва тан берди.

Истиқлол имкониятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги пайтда жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Бунда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиш зарурати ҳамда ислоҳотларнинг босқичма-босқичлик тамойилига мос ҳолда 2007 йил «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган вазифалар, ғоя ва мақсадлар Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини тубдан ўзгартириб, уни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)-”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунлар туфайли сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари янада кенгайди, масъулияти ошди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги, жойларда депутатлик гуруҳларининг қарорлар қабул қилишдаги фаолияти тубдан ўзгарди.

Ҳозир дунёда геосиёсий ва геостратегик таъсир учун кураш авж олган бир пайтда Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифадир. Яъни бугунги кунда “эркин ҳаёт” ва “демократия” ниқобидаги “универсал” ва “оммавий маданият” ақидапарастлиги миллий турмуш тарзимизга хавф ва таҳдид туғдираётган ҳодисадир. Инсоннинг инсонлик моҳиятидан жудо қилувчи турли ақидаларга ружу қўйиш, ахлоқий ва маънавий қадриятларни оёқости қилишга уриниш, сохта ва зарарли ғояларни дастагу дастур қилиб олиш орқасидан пайдо бўлаётган янги таҳдид ва тажовузлар ҳам замонавий миллий тараққиёт, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги, ёшлар тарбиясига катта хавф туғдирмоқда. Мазкур жараёнда “Юксак маънавият — енгилмас куч” ғоясини амалга ошириш ва уни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириш учун бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз лозим.

Истиқлол йилларида сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДП ҳам доимий изланишда бўлди. Кўриниб турибдики, бугун сиёсий партиялар ўз фаолиятларини эмин-эркин амалга оширишлари учун барча ҳуқуқий ва молиявий шароитлар яратилган. Партиямиз мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одат ва анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Яратилган кенг шароитлардан оқилона фойдаланиш, ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардандир.

Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис **Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги** — умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини “Миллий тикланиш” демократик партияси қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор куч ва имкониятларини сафарбар қилади.

Дарҳақиқат, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни асраш, бугунги мураккаб халқаро вазиятда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари ҳам фуқароларимиз қалби ва онгига фидойилик, Ватанпарварлик ғояларини сингдириб, ҳар бир кишининг мустақил сиёсий позицияси, мустаҳкам ирода ва эътиқоди бўлишини таъминлашга бутун куч-ғайратини сафарбар қилиши лозим. Зеро, истиқлол нафақат улуғ неъмат, балки эркинлик, шу билан бирга Ватан тақдирига, миллат келажагига жавобгарлик масъулияти ҳамдир.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП Марказий**
**Кенгаши Ижроия**
**Қўмитаси раиси**

Тарғибот

# “Мустақиллик — инсон қадр-қиммати юксалишининг муҳим омили”

**Жиззахда ўтказилган тадбир энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланди**





***Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллик айёми арафасида турибмиз. Миллий ифтихор рамзимизга айланган бу байрам миллатимизнинг ўзлиги, қадриятлари ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этгани билан қадрлидир. Мустақиллик боис қўлга киритилаётган бугунги тараққиёт, юксалиш замони ҳар бир юртдошимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно- мазмунини ўзгартириб юборган тарихий ўзгаришлар мустақилликнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатиб турибди.***

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб “Мустақиллик - инсон қадр-қиммати юксалишининг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” аъзолари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

- Ҳар йили мустақиллик айёмини катта тантана, юксак шодиёна билан қарши олар эканмиз, ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини ўзига хос эзгу шиор билан кутиб олиш доимий анъанага айланган. Чунончи, халқимизнинг асрий орзу-армонлари, истиқлол йўлида олиб борган чексиз курашлари, миллатнинг ўзлигини тиклаш йўлидаги қатъий интилишлари, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи ушбу шиорларда ўз аксини топади. У ҳар биримизни истиқлолнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини чуқур идрок этишга даъват этиб, мустақилликни мустаҳкамлашга, улкан бунёдкорликка ундайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ, давлатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик тантаналари “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” шиори асосида ўтказилмоқда. ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ҳам мамлакатимиз мустақиллигини муносиб қарши олиш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Истиқлолни асраб-авайлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби бурч ва масъулиятни ватандошларимиз қалбига янада чуқурроқ сингдириш тарғибот-ташвиқот ишлари моҳиятини ташкил этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғофур Маматов, Арслон Эшмуродов, ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши аъзоси Сирожхон Ғозиев мамлакатимизнинг мустақилликни қўлга киритганидан то бугунги кунгача бўлган тарихан қисқа, аммо, ғоят мураккаб босиб ўтган йўли, халқимиз бошидан кечирган синовлар, миллий давлатчиликни барпо этиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар, хусусан, мустақилликнинг мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини оширишда яратган имкониятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасининг асосий мақсад ва вазифаси бўлган миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланди, халқ ҳунармандчилигига кенг йўл очилди. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттиришни муҳим вазифаси деб билади. Ушбу ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз мустақиллигининг жаҳон миқёсида тан олиниши, илм-фан, иқтисод, сиёсат, маданият каби мамлакат тараққиётининг муҳим йўналишларида эришилган ютуқларни ҳаётий мисоллар, қиёс ва таҳлиллар орқали кенг тарғиб қилиш ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари олдидаги энг долзарб масалалардан биридир. Боиси, айнан миллий тикланиш — партия Дастурида белгиланганидек, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тадбирда партия фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлган тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, уларда мустақиллик, тинчлик, барқарорлик нечоғли улуғ ва азиз неъмат эканлигини чуқур ифода этиш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Партия фаоллари эътироф этишганидек, тинч-осойишта ҳаётда, фаровон жамиятда инсоннинг эзгу орзулари ушалади, ниятлари рўёбга чиқади, қадр-қиммат, эъзозу ҳурмат топади. Ҳар бир шахснинг фаровонлиги, эркинлиги, ўзлигини англашга ва ижодий, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга таянч бўлган юрт чин дилдан ифтихор этишга арзийди. Она диёримиз Ўзбекистон ҳар бир юртдошимиз учун мана шундай бетимсол ифтихор ва ғурур манбаидир.

***Ўрол САТТОРОВ,***
***ЎзМТДП Жиззах туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирокида “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”, “Баркамол, соғлом авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Жамият барқарорлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият”, “Миллатлараро тотувлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик — ижтимоий барқарорлик кафолати” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар кенг миқёсда ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар ўз мазмун-моҳияти, кўлами билан юртимиз истиқлоли ва озодлиги ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун қиёси йўқ бебаҳо неъмат эканлиги, мустақиллик миллати, тили, динидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлигини очиб беришга қаратилмоқда. Ўйлаймизки, амалга ошира диган тарғибот-ташвиқот ишларимиз юртдошларимиз қалбида мустақилликни асраб-авайлаш, тинчликни қадрлаш, юртимиз тараққиётига ўзининг яратувчанлик ва бунёдкорлик меҳнати билан муносиб ҳисса қўшишга чорлайди.

***Умрхол ПЎЛАТОВА,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли:***

— Мамлакатимиз ёшларининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга чорлаш мақсадида ЎзМТДП томонидан йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шу лойиҳаларнинг самараси ўлароқ, мен ҳам 2012 йилда партия аъзолари сафига қўшилдим. Бу, ўз навбатида, менинг жамоат ишларида янада фаоллашувимга сабаб бўлди. Жумладан, “Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси”, “Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” кўрик-танловлари, “Озод юртимнинг обод гўшаси” хайрия акцияларида фаол иштирок этмоқдаман.

Инсоннинг бахти камоли учун ғоят зарур бўлган юрт тинчлиги, барқарорлигини мадҳ этиб, истиқлолни асраб-авайлаш ва унга муносиб ҳисса қўшишга даъват этишни ЎзМТДПнинг ёш аъзоси сифатида ўзимнинг энг асосий бурчим деб биламан. Ёшлар даврасида ўтказилаётган тадбирларимизда айнан шу жиҳатларга катта эътибор қаратмоқдамиз. Ушбу давра суҳбатида бу борадаги ишларимизни янада жонлантиришга қаратилган кўплаб йўл-йўриқ ва тавсияларни олдим.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАСИ

**қуйи бўғинлар томонидан давом эттирилмоқда**

***Партияларнинг сиёсий майдонда тутган ўрни унинг халқ орасига чуқур кириб бориши, аҳоли орасида муносиб нуфузга эга бўлиши билан белгиланади. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Қачон қуйи бўғин фаолияти аниқ ва тизимли тарзда ташкил этилса, шунда партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён эта олади.***

ЎзМТДП Қарши туман Кенгашида 656 нафар партия аъзосини бирлаштирган 35 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритади. Мазкур қуйи бўғинлар томонидан партия дастуридан келиб чиққан ҳолда турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Жумладан, партия фаоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ҳамда ёшлар иштирокида “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш”, “Глобаллашаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни”, “Ватанимиз келажаги ёшлар қўлида”, “ОИТСга қарши кураш” каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

— Азалдан юртимизда аёл миллат келажаги, ҳаёт давомчиси сифатида қадрланади, - дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Дилором Тоирова. — Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жамият ривожи ва тараққиётида аёллар муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинади. Бугун юртимиз хотин-қизлари нафақат оила, балки ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Роза Азизова раҳбарлик қилаётган қуйи бўғин ҳам 28 нафар фаол, ташаббускор аъзони бирлаштирган. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардан иборат. Улар саъй-ҳаракати билан “устоз-шогирд” анъаналарини мустаҳкамлаш, маҳалла ёшларини миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш ҳунармандлар тўгараги ташкил этилди. Тўгаракда 30 нафардан ортиқ ёш ўғил-қизлар ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, зардўзлик, каштачилик ва қуроқчилик каби йўналишларида ҳунармандчилик сирларини ўрганишмоқда.

Тумандаги бошланғич партия ташкилотлари таълим, фан ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида спортнинг кўплаб турларини ривожлантириш мақсадида аёллар спартакиадаси ўтказиб келинмоқда. Анъанага мувофиқ яқинда спортнинг тўрт тури бўйича мусобақа ўтказилди. Спартакиадада туманнинг барча таълим муассасаларида фаолият юритаётган спортсевар хотин-қизлар иштирок этди. Қизғин давом этган мусобақада ғолиб чиққанлар партия туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу каби спорт мусобақалари ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ЎзМТДП Қарши туман Кенгаши партиянинг энг асосий таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари кўмагига таянган ҳолда партия дастурий мақсад ва вазифалари тарғиботида фаол саъй-ҳаракат олиб боришга интилмоқда.

**Дилрабо КАМОЛОВА,**
**ЎзМТДП Қарши туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси,**
**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Хроника

# ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари

**томонидан мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда**

## НАМАНГАН

Энг улуғ, энг азиз байрам сурури мамлакатимиз бўйлаб кезиб юрибди. Барча вилоят ва туманларда мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб турли тадбир, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу каби тадбирлардан бири ЎзМТДП Поп туман Кенгаши томонидан “Қадр қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида “Мустақиллик шонимсан менинг” мавзусида ташкил этилди. Унда туман партия Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

— Бугунги тадбиримиз халқимизнинг буюк орзуси ушалган, ҳар биримиз учун муқаддас саналмиш — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги бутун юртимизда қизғин нишонланаётган кезларда ўтмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ж.Тохиров. — Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қисқа фурсат ичида мамлакатимизда кенг кўламлиислоҳотлар олиб борилганига гувоҳ бўламиз. Қай соҳани олмайлик, барчасида ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари энг муҳими, салмоқли натижалар кўзга ташланади. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар, сув спорти саройлари бунёд этилмоқда. Ёшларнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтиришга эътибор қаратилиб, бетакрор санъат кошоналари қад кўтармоқда. Буларнинг бари мустақиллик шарофатидир. Бу жараёнда сиёсий партиялар ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққанлар истиқлол берган имкониятлар туфайли бугун жаҳон юртимизга ҳавас ва ҳайрат ила боқаётгани, иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб бораётгани, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорига жадал кириб бораётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир сўнггида туман маданият уйи санъаткорлари томонидан ижро этилган ватан ҳақидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Олмалиқ шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида “Мустақиллик — бахт ва фаровонлигимиз асосидир” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг асоси, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида қадр топиб келмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Б.Холматов. — Ватанимиз ва халқимизнинг барча соҳаларда қўлга киритган улкан ютуқлари ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр уйғотиб, юртимиз янада тараққий этиши учун фидокорона меҳнат қилишга, мустақилликнинг қадрига етишга ундайди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни азиз Ватанга садоқатли инсонлар қилиб камол топтиришда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратдилар.

Давра суҳбати сўнггида ижодкор ёшлар томонидан тайёрланган Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар тадбирнинг шукуҳли ўтишини таъминлади.

Тадбирда партия туман Кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари ходимлари ҳамда “Аёллар қаноти” етакчилари иштирок этди.

## ХОРАЗМ

Мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, аввало, ёш авлодга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бу борада партиянинг барча даражадаги ташкилотларида ёшлар масаласига қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши келажак эгаларининг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Ёшлар — фуқаролик жамиятини барпо этувчи асосий куч” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Агар тарихга назар ташласак, Европага уйғониш, тараққиёт айнан Шарқ заминидан, аждодларимиз яратган маърифий жавоҳирлар орқали кириб борганлигининг гувоҳи бўламиз, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Н.Олламов. — Биз ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк аждодларнинг авлодларимиз. Бугун биз уларнинг бебаҳо маънавий меросидан ҳақли равишда фахрланамиз ва ўз навбатида, уларга муносиб ворислар бўлишга интиламиз. Демак, бизларга яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этишимиз, ишончни оқламоғимиз лозим.

Партия туман Кенгаши аъзолари, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этган тадбирда “Вояга етмаган ёшлар — доимий эътиборда”, “Буюк мерос ва ёшлар” мавзусидаги маърузалар барчада катта қизиқиш уйғотди.

## СИРДАРЁ

Оила — жамиятнинг кичик бир бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскан ҳисобланади. ЎзМТДП Мирзаобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси “Обод турмуш йили” Давлат Дастури асосида “Оила мустаҳкамлиги — турмуш барқарорлиги” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, ёш оилалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Мирзаобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Р.Атаханов оилада фарзандларни ҳар томонлама баркамол, элу юрт манфаати учун хизмат қиладиган инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ақлан ва жисмонан етук бўлиб вояга етказиш хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деди: — Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ривожланиши ва мустаҳкам илдиз отиши, энг аввало, оила тинчлиги ва аҳиллигига боғлиқ. Чунки, миллатнинг ўзига хос анъана ва урф-одатларини давом эттириш , юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда оила ва маҳалланинг ўрни беқиёс. Шу билан бирга оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган, ғоят муҳим боқий қадриятлардан бири бўлиб, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси ҳамдир. Шунинг учун мамлакатимизда ёшларга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Партия дастур ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётган бу каби тадбирлардан мақсад туманимиздаги ёш тадбиркор, касаначи, ҳунарманд оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, маҳаллаларимизни обод ва янада кўркам қилиш ишларига амалий ҳисса қўшишдан иборат.

Якунда давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Жараён**

***Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида халқимиз ўзининг миллий давлатчилик тарихи, урф-одатлари, азалий қадриятларига таянган ҳолда Ўзбекистонда суверен ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик мақсад сифатида белгилаб олди. Ўтган йигирма икки йил мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги ислоҳотлар самараси туфайли дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Юртимиздаги тинч ва тотув ҳаёт, фаровон турмушни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, тараққиётнинг “ўзбек модели”га асосланган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан, дадил одимлаётганимиз эришаётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.***

# Истиқлол берган имкониятлар

## сиёсий партиялар ривожининг муҳим омили

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга интилиб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса, партиямиз ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз дастурий ғоялари, мақсад-муддаолари, сайловолди Платформасида белгиланган устувор йўналишларга кўра, асосий эътиборни миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий бозорни тараққий эттиришга қаратилган қонунчилик механизмларини мустаҳкамлашга қаратишни асосий фаолият мезонига айлантирган ҳолда иш юритмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида қуйи палата томонидан қабул қилинган 11 та қонун лойиҳаси муҳокамасида фракциямиз вакиллари бўлган депутатлар фаол иштирок этиб, уларда электоратимиз манфаатларини ифодалаш ҳамда партиявий нуқтаи назаримизни қатъий ҳимоя қилишда самарали саъй-ҳаракатлар олиб боришди. Айниқса, партиямиз вакили бўлган бир гуруҳ депутатларимиз «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлганликлари диққатга сазовордир.

Ўтган йили Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш, унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш, сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, ташвиқотни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, муддатидан олдин овоз беришнинг тартиб-таомиллари, қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича Конференциясида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳақидаги норма ҳам амалга киритилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури асосида фракциямиз ҳам ўзининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Бу борада, айниқса, Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда сиёсий партияларга берилаётган қонуний ҳуқуқ ва ваколатларнинг тобора кенгайиб бораётгани ҳам миллий қонунчилигимиз ривожига сезиларли улуш қўшмоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳасида, энг аввало, партия депутатлик гуруҳларини ташкил этиш шартлари ва тартиби аниқ белгиланмоқда. Яъни, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этиш учун зарур бўлган депутатлар сонининг энг кам миқдори беш нафардан иборат бўлиши ҳақидаги норма киритилиши таклиф этилмоқда. Шунингдек, тегишли вакиллик органи комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш бўйича қўшимча ваколатларнинг берилаётгани маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтиради. Партия гуруҳларининг тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритилаётган масалалар бўйича таклифлари кўриб чиқилиши шартлигини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва бу ҳақдаги қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилиниши зарурлиги ҳақидаги янги норма ҳам қонун лойиҳасида кўзда тутилмоқда.

Табиийки, биз ўз электоратимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларимиз орқали илгари сурамиз. Шу маънода, кейинги вақтларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига, очиқ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, мамлакатимизнинг илғор демократик давлатлар қаторига киришига, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашга, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизга хизмат қилувчи муҳим қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда фракциямиз аъзолари сидқидил саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент назорати, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш, сайловолди Ҳаракат дастуримизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўналишларида ҳам депутатларимизнинг фаоллиги сезиларли равишда ошди.

Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида фракциямиз томонидан 30 дан ортиқ турли мавзулардаги тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорлик лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этиб келинаётган «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзуидаги амалий семинарлар кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлаётгани қувонарли ҳолдир. Ўтган йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади партиямиз электорати бўлмиш ҳунармандларни фаол қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйишга кўмаклашиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, уларга имтиёзли банк кредитларининг ажратилишида амалий кўмак бериш, аҳоли бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб боришдан иборатдир. Мазкур лойиҳа доирасида жами 210 дан ортиқ ҳунарманд ва тадбиркорга 5,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар берилиши натижасида жойларда 500 га яқин янги иш ўрини яратишга муваффақ бўлинди.

Шу йилнинг ўзида фракциямиз аъзолари томонидан жойларда сайловчилар билан 270 га яқин учрашув ўтказилиб, уларда 33 минг нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этишди. Учрашувларда сайловчилар томонидан 1500 тадан ортиқ турли масалалалар кўтарилиб, маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда уларни ҳал этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Албатта, бугун, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи ортиб бораётган бир даврда, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз фаолиятини янгича мезонлар ва замон талаблари асосида такомиллаштириши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни бажаришда, биринчи галда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фракциямиз аъзолари бўлган депутатлар томонидан ишчанлик, ташаббускорлик ҳамда фаолликни янада кучайтириш талаб этилади.

**Биргина жорий йилнинг ўтган даврида қуйи палата томонидан қабул қилинган 11 та қонун лойиҳаси муҳокамасида фракциямиз вакиллари бўлган депутатлар фаол иштирок этиб, уларда электоратимиз манфаатларини ифодалаш ҳамда партиявий нуқтаи назаримизни қатъий ҳимоя қилишда самарали саъй-ҳаракатлар олиб боришди.**

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**ЎзМТДП фракцияси раҳбари**

**Қонунчилик палатасида**

# Давлат бюджети ижроси

## устидан парламент назоратини амалга ошириш Ўзбекистон ва Япония тажрибаси мисолида ўрганилди

***Маълумки, макроиқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тартибга солишга қаратилган ҳамда мамлакатнинг минтақалари ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлайдиган давлат бошқарувининг энг муҳим иқтисодий воситаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Япония Парламенти Бюджет қўмитаси ҳамкорлигида “Давлат бюджети ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари: Япония ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда депутатлар билан бир қаторда Молия вазирлиги, Ғазначилик, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ ва Божхона қўмиталарининг ходимлари, шунингдек, олимлар ва мутахассислар ҳам иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига яқинда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Давлат бюджетини қабул қилиш жараёнида сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтирди. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига киритилган Давлат бюджети лойиҳаси дастлаб масъул қўмита билан бирга сиёсий партияларнинг фракцияларига ҳам топширилади. Масъул қўмита сиёсий партиялар фракцияларининг лойиҳа юзасидан нуқтаи назарини олганидан сўнг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқишга киришади.

Мазкур қоида Қонунчилик палатаси мажлисида Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишга ҳам таааллуқлидир. Қонунчилик палатаси мажлисида Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилганида масъул қўмитанинг вакили мажбурий тарзда депутатлар эътиборига фракцияларнинг лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазаларини етказади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун ҳужжатларига киритилган янги ўзгаришларга асосан фракцияларнинг таклиф ва мулоҳазалари мажбурий тарзда ҳисобга олиниши лозим. Қонунчиликка киритилган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар ривожланган демократик давлатларга хос бўлган парламентаризмнинг бугунги кун тенденцияларига жавоб беради.

Жаҳон тажрибасидаги демократик давлатларнинг ривожланишидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бюджетда давлатнинг иқтисодиётни бошқариш сиёсати акс этади ва у келгуси йил учун давлат даромадлари ва харажатларининг прогнози сифатида ҳам хизмат қилади. Бюджет ёрдамида ҳукумат ўзининг тасарруф этиш ва мувозанатга келтириш вазифаларини амалга оширади. Шу боис, бюджет давлат иқтисодий фаолиятининг молиявий прогнози бўлар экан, биринчи навбатда, сиёсий ҳужжат ҳисобланади.

Давра суҳбати давомида мамлакат Давлат бюджетини шакллантириш, шунингдек, давлат бюджети маблағларидан мақсадли фойдаланиш, парламентнинг бюджет жараёнидаги ўрни ва аҳамияти масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари Сарвар Отамуратов кун тартибидаги масалалар юзасидан нуқтаи назарини билдирди. Нотиқ ўз сўзида бюджет жараёнини ташкил қилишнинг халқаро тажрибаларини таҳлил қилиш, ривожланган давлатлар парламентларининг бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлаш, хусусан, бюджет ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш тажрибасини кўриб чиқиш, бюджет жараёнини янада



такомиллаштиришда Бюджет кодекси муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Шунингдек, давра суҳбати давомида Бюджет кодекси лойиҳаси муҳокама қилинди, мазкур масала бўйича Ўзбекистон ва Япония парламенти аъзоларининг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Таъкидландики, Япония парламентида Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамаси ўзига хос тарзда амалга оширилади. Ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда солиқ-бюджет сиёсати, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар юзасидан ўз таклифларини киритади. Давра суҳбати якунида икки давлат парламентлари аъзолари “Ўзбекистон-Япония парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи” имкониятларидан фойдаланишлари, долзарб мавзулар бўйича мазмунли мулоқотларни мунтазам давом эттиришлари зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**

**Қўмита йиғилиши**

# Тинчлик ва барқарорлик

## уни таъминлаш — долзарб вазифа

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Қашқадарё вилоятидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.***

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил этиб, “Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда. Қуролли кучларни изчил ислоҳ этиш давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўламли ва маъно-мазмунга кўра улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилди”,- дея алоҳида таъкидлаган эди.

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси томонидан тасдиқланган ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан келишилган “Қашқадарё вилоятида жойлашган ўқув муассасаларидаги чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишини текшириш ва амалий ёрдам бериш тартиби” режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув муассасаларида ушбу режанинг бажарилиши назоратга олиниб, амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 144 та таълим муассасаси фаолият кўрсатиб, уларда Мудофаа вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг мутахассислари ҳамкорлигида яратилган “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитиш бўйича 6 соатлик мультимедия дастури таълим тизимига жорий этилган.

Ўсмирлар орасида жисмоний тайёргарлик Қарши Олимпия заҳиралари коллежида, туманлардаги “Ватанпарвар” спорт мактабларида ва таълим муассасаларида ўқув дастурлари доирасида, шунингдек спорт жамиятлари ва клубларда олиб борилган. Шундан вилоят бўйича ўсмирлар ўртасида 6 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 22 нафар спорт усталари, 189 нафар спорт усталигига номзодлар, 412 нафар 1-тоифали спортчилар халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Шу билан бирга, масалани муҳокама қилиш мобайнида мажлис иштирокчилари Давлат дастурларини амалга ошириш ва “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга доир қисмини ижро этишда ва резервчиларни тайёрлашда Қашқадарё вилоятида айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишди. Хусусан, чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарликнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини олий ҳарбий маълумотга эга ўқитувчилар билан таъминлаш, ҳарбий низомлар, йўриқномалар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги ҳамда мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотида курсантлар тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига етарли эътибор қаратилмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Қашқадарё вилояти туман ва шаҳар ҳокимликлари, мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари, ўқув муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни яхшилаш, зарур ўқув материаллари базасини яратиш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Ташаббус ва натижа**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига ана шундай ташаббус-масалани олиб чиқди

***Аҳолининг иш билан таъминланиши мамлакат фаровонлигининг энг муҳим омилларидан бири саналади. Жумладан, ЎзМТДПнинг турли даражадаги депутатлари ҳам бу масалани эътибордан четда қолдираётгани йўқ.***

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу асосда унинг даромадлари ҳамда турмуш даражасини ошириш, шаҳар ва туман ҳокимликларининг меҳнат бозори эҳтиёжлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласини ўрганиб, янги иш ўринларини ташкил этишни янада такомиллаштириш масаласини халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи вилоят кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди. Ушбу масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши қўшма сессиясида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

— Қарорга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларига алоҳида вазифалар юклатилди, - дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат А.Йўлбарсов.

— Жумладан, 2013 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, иқтисодиёт бош бошқармаси, вилоят статистика бошқармаси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, ишчи гуруҳи ва халқ депутатлари Кенгашлари билан ҳамкорликда муайян вазифаларни амалга ошириш белгиланди. ЎзМТДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда кўтарилган ушбу ташаббусни амалга оширишда депутатлик гуруҳимиз астойдил ҳаракат қилмоқда. Зеро, бу олдимизда турган энг долзарб вазифа ва ваколатимиз ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорга мувофиқ, инвестиция, локализация ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ янги объектларни ишга тушириш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва ундан тўлақонли фойдаланиш имкони яратилади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар, тадбиркорликни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, уй меҳнатини, жумладан, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш вилоят кенгаши сессияси қарорида ўз аксини топган.

— 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури юзасидан сўз юритишдан олдин ўтган йил учун тасдиқланган дастурнинг январь-октябрь ойлари ижросига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз, - деди халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида мазкур масала юзасидан маъруза қилган халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ф.Қосимов. — Ўтган йилда 80,423 ишчи ўрни яратилди. Шунинг 57,4 мингдан ортиғи қишлоқ ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади. Дастур доирасида 411 та корхона ва ташкилотда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 5767 та иш ўрни ташкил этилди ва бу орқали аёллар ва ёшлар уй шароитида даромад топиш имкониятига эга бўлишди. Ютуқлар билан бир қаторда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги ишчи комиссиялар фаолияти талаб даражасида ташкил этилмаганлиги натижасида вилоятда 66 та корхонада 709 та иш ўрни яратилмасдан қолди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, мазкур йўналишда вилоятда муайян ишлар амалга оширилди. Лекин, ишга жойлаштириш бўйича Ёзёвон, Сўх, Боғдод, Қувасой, Фарғона шаҳридаги кўрсаткич бошқа туманларга нисбатан паст. Юқоридаги салбий ҳолатларни бартараф этиш ва ҳудудлар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жорий йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнини янги босқичга кўтариш тақозо этилмоқда. Бу жараёнда эса депутатлик гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади, - деди пировардида нотиқ.

Дарҳақиқат, аҳолининг бандлигини таъминлаш масаласи маҳаллий ва ҳудудий ҳокимликлар билан бир қаторда маҳаллий Кенгаш депутатларини ҳам ҳушёрликка ундаши лозим. Бу борада ҳудудда учраётган камчиликлар, дуч келинаётган муаммолар депутатлар томонидан ўрганилиб, улар юзасидан депутатлик сўровлари амалга оширилса, соҳа мутасаддилари масъулияти яна бир карра ошади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

ЎзМТДП ташкилотларида

# Ҳудудий Кенгашлар ва депутатлик гуруҳлари

**фаолияти янада кучайтирилиши лозим**



***Аввал хабар қилганимиздек, жойларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий Кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Партия Самарқанд вилоят Кенгаши пленумида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирок этиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратди.

—Юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланиб, ҳар бир сиёсий партия жамиятнинг маълум бир қатлами манфаатларини ифода этишга интилмоқда. Жумладан, партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиб келмоқда. Ўрни келганда эътироф этиш лозимки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришдир. Бу борада партиямиз Марказий Кенгашининг XI-пленумида бир қатор долзарб вазифалар белгиланди. Хусусан, ўқув-семинарлар ташкил этиш орқали партия ташкилотларида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш ҳамда янги кадрлар билан бойитиб боришни изчил йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари электорат манфаатлари доирасида замонавий усуллардан самарали фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишлари сифатини ошириш орқали сайловчилар ишончи ва эътиборини янада кўпроқ қозониши лозим. Бунда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ижобий самара бериши шубҳасиз, - деди партия раҳбари.

Нотиқ ўз сўзида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини янада кучайтириш, уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш устувор вазифалардан эканлигини таъкидлади. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мазкур йўналишдаги давлат дастурларининг ижросини таҳлил қилиб бориш, ушбу масалани маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш депутатлик гуруҳларининг доимий эътиборида бўлиши лозим, - деди партия етакчиси.

Таъкидлаганидек, фуқароларда миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш, ўз сафида юртнинг ватанпарварларини бирлаштириш, ёшларни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари томонидан жами 572 дан зиёд сиёсий, маданий-маърифий тадбир, учрашув, давра суҳбати, ўқув-семинар, кўрик-танлов ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 62 минг нафардан зиёд партия фаоллари ва хайрихоҳлари иштирок этди.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдаги пленумида ҳудудий партия ташкилотининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти танқидий-таҳлил қилинди. Хусусан, партия сафининг ғоя ва мақсадларимизга ишонган ташаббускор ҳамда изланувчан фуқаролар ҳисобига доимо тўлдириб бориш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтиришга қаратилган ўқувлар сифатини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари ва депутатлари фаоллигини ошириш борасидаги долзарб масалалар белгилаб олинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сайфулла Маҳматмўминов маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурган Концепция ҳамда ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Шунингдек, партия туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятида учраётган айрим камчиликларга эътибор қаратди.

— Юртимизда кечаётган модернизация жараёнида партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, дастурий мақсад ва ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга, - деди йиғилишда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Зеро, бугунги кунда сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ўртасида ғоялар, дастурлар ва электорат манфаатлари учун ўзаро кураш, соғлом рақобат кучайиб бормоқда. Бу эса юксак билимга эга, ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган кадрлар сафини кенгайтиришни талаб этади. Мазкур йўналишда самарадорликка эришиш учун турли мавзу ва йўналишларда ўқув-семинарлар ташкил этиш лозим.

Ана шундай пленумлар ЎзМТДП Бухоро, Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Сурхондарё вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашларида ҳам ўтказилди. Йиғилишларда партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгиланиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

***Пойтахтимизда шундай бир сўлим гўша борки, у ерга қадам ранжида қилган инсон бу масканнинг хушманзаралигидан баҳри дили очилса, сокинлигидан ўйга толади. Бир пайтлар ташландиқ ҳолатда ётган, XX асрнинг 20-йилларидан то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунига қадар собиқ иттифоқнинг жазо органларига қатлгоҳ бўлиб хизмат қилган бу жой мустақиллик шарофати билан обод гўшага айланди — “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ҳамда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди.***

# Кеча ва бугун туташган маскан

**ЎзМТДП билан ҳамкорликда ёш авлод маънавиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи 2002 йил 31 августда тантанали равишда очилди. Мана ўн бир йилдирки, халқимизнинг ўтмиши ва бугунини ўзида акс эттирувчи мазкур музей тобора бойитилиб, шаҳар аҳли ва меҳмонларининг азиз қадамжоларидан бирига айланди.

—Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи миллий маънавиятимизнинг юксалишида тарихий аҳамиятга эга бўлган музейлардан биридир, - дейди музей директори, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов. — Дастлаб музей экспозициясини ташкил қилиш учун керакли бўлган ашёвий база яратилди. Тегишли архив ҳужжатлари, фотосуратлар, ашёвий буюмлар, китоблар, видеоматериаллар тўпланди, республикамизнинг барча вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида сақланаётган қатағон даврига оид экспонатлар, керакли ҳужжатлар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига олиб келинди. Унинг 2008 йилда янгиланган экспозициясида Ўрта Осиё (Туркистон)нинг чор Россияси томонидан босиб олинишидан тортиб, бугунги кунгача бўлган давр воқеалари 10 та бўлим орқали намойиш этилган. Масалан, биринчи бўлим Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихига бағишланган бўлиб, бу даврда мамлакат мустақиллиги, эрк ва озодлик учун курашлар давомида халқимизнинг минглаб ватанпарвар ва фидойи фарзандлари ҳалок бўлдилар. Шу сабабли истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни акс эттириш, улар хотирасини абадийлаштириш музей экспозциясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, - дейди музей раҳбари.

Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бойитишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2010 йилда мазкур музей ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди билан ҳамкорлик меморандумини имзолаган. Мақсадлар муштараклиги иккала ташкилотнинг биргаликда, фаол ҳаракат қилишига сабаб бўлди.

— “Қатағон қурбонлари” музейи ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди билан ҳамкорлигимиз мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонлик шаъни, ғурури топталган ватандошларимизнинг хотирасини тиклаш, мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеаларни ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини холисона ўрганиш ҳамда фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони матбуот котиби Дониёр Тошбоев. — Хусусан, музей билан ҳамкорликда таълим муассасалари, маҳалла ва музей биносида сиёсат арбоблари, тарихшунос, социолог, адабиётшунос олимлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари иштирокида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, очиқ мулоқот, хотира кечалари ва давра суҳбатлари ўтказиб келинаётгани муштарак мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси бўлмоқда. Хусусан, ҳар йили музейда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Хотира боқийдир, қадр — муқаддас”, “Хотира абадий, инсон қадри азиздир”, “Аждодлар хотираси — муқаддас” мавзуларида ҳамда 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирлар шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларда иштирок этаётган ёшлар аждодларимизнинг маънавий жасоратидан озуқа олиб, мустақилликнинг олий неъмат эканлигини яна бир карра ҳис қилишмоқда.

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАМОЙИШИ**

Музей раҳбари заллардаги ҳар бир экспозиция билан бизни таништирар экан, бу маскан оддий томошахона эмас, балки улкан тарихий давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг ибратли томонларини музейга келувчиларга, айниқса, ёшларга тарғиб қилиш, уларни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз анъанасига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи маънавият ўчоғи эканлигини ҳис қиламиз. Айниқса, мустақиллик йиллари акс эттирилган учинчи залга кирганингизда гўё қоронғуликдан ёруғликка етишгандай руҳ пайдо бўлади.

“Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар” деб номланган сўнгги бўлим 1991 йилдан кейинги даврни ўз ичига олиб, мустақиллик йилларида тарихий адолат ва миллий қадриятларнинг тикланиши, истиқлол туфайли берилган имкониятлар, ёшлар масаласидаги ўзгариш ва янгиланишлар далиллар асосида кўрсатилади. Шунингдек, ушбу бўлимда ёшлар масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимизда баркамол авлод вакиллари учун яратилган улкан имкониятлар, уларнинг илм-фан, спорт, маданият ва санъат каби барча соҳаларда эришаётган муваффақиятлари ўз аксини топган. Юртимизнинг фахрига айланган, жаҳон майдонларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган истеъдодли, маҳоратли ёшлар фаолияти намойиш қилинган.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бугуннинг гапи

# Фарғона бунёдкорлик оғушида

***Фарғона водийси, хусусан, Фарғона шаҳрига жуда кўп таъриф берилган. Фарғонани кўрган, одамлари билан суҳбатлашган киши борки, унга нисбатан берилган барча таърифу тавсифларнинг тўғрилигига гувоҳ бўлиши шубҳасиз. Ва яна айтиш жоизки, Фарғона водийси бўйича ўтказиладиган минтақавий тадбирларни деярли барчасининг Фарғонада ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Буларнинг ҳаммаси, албатта, фарғоналикларнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, меҳнаткашлигию омилкорлигидан далолат беради.***

Гапнинг индаллосини ана шундай сўзлар билан бошлаганимизнинг ҳам боиси бор. Чунки, бу эътироф Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ҳамкорлигида ўтказилган “Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзуидаги минтақавий конференцияда иштирокчилар томонидан бот-бот такрорланди. Конференцияда Қонунчилик палатаси депутатлари, республика, Андижон ва Наманган вилоятлари босма нашрларининг раҳбарлари, вилоят ва туман оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Минтақавий конференцияни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари А.Пўлатов меҳмонларни қутлаб, вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот бериб, конференция ишига муваффақият тилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев оммавий ахборот воситалари соҳасини ислоҳ қилиш, амалдаги қонунлар ижроси ва шу соҳага доир тайёрланаётган қонун лойиҳаларига тўхталди. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ш.Деҳқонов “ОАВ нинг иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш ва ахборот соҳасида бозор муносабатларнинг ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари”, “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Ч.Латипов “ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш — фаолият самарадорлигини оширишда ижодий таҳлилнинг аҳамияти” мавзуида маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққанлар босма нашрлар соҳасида соғлом рақобат юзага келгани, бозор иқтисодиёти тамойиллари ва муносабатлари амал қилаётгани, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Конференциядан сўнг меҳмонлар Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишларини бориб кўрдилар. Дарҳақиқат, Фарғона шаҳри бугун улкан қурилиш майдонига айланган, десак муболаға бўлмайди. Президентимиз ташаббуси билан Фарғона шаҳридаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун бир триллион 300 миллиард сўм маблағ ажратилган, янги иккита — кичик ва катта ҳалқа йўли барпо қилинмоқда. Кичик ҳалқа йўли 14, каттаси эса 23 километрлик масофани ташкил этади. Олтиариқлик “Файз бинокор” корхонаси бунёдкорлари улкан санъат кошонаси ва унинг ён-атрофида 36 гектарли боғ барпо қилмоқдалар. Айни пайтда 43 миллиард 400 миллион сўмлик қурилиш ишлари поёнига етмоқда.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган “UzSVGWOO” Ўзбекистон-Жанубий Корея корхонаси Асакадаги “GMUzbekistan” қўшма корхонасига 183 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бермоқда. Корхонада йилига 82,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланмоқда. “Фарғона турон текстиль” МЧЖ тайёрлаган маҳсулотларнинг 82 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда, бир йил ичида 8 200 тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда... Мухтасар айтганда, Фарғона шаҳрида бугунги кунда амалга оширилаётган ишларни бирма-бир санаш мушкул иш.

**Ўз мухбиримиз**

Эҳтиром

# Ибратли ҳаёт йўли

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг навқирон йигитлик даври Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Фронтдан яраланиб қайтгач, Тошкент педагогика университетининг тарих факультетида таълим олди. 1946 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти қошидаги аспирантурага қабул қилинганидан сўнг илмий фаолиятини бошлади.***

1953 йилда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида “Шарқий Туркистонда 1826 йилдаги халқ қўзғолони” мавзуси бўйича тарих фанлар номзоди унвонига сазовор бўлди. У илмий изланишини изчиллик билан давом эттириб, XVI-XX аср бошларида Ўзбекистоннинг Сибир, Каспий, Волга ва Урал бўйлари орқали Россия билан дипломатик ва савдо алоқалари тарихини ўрганиш билан шуғулланди.

Ана шундай катта ва муҳим мавзуга доир манбаларни қўлга киритиш учун Москва, Санкт-Петербург, Астрахан, Нижний Новгород, Уфа, Казань, Пермь, Екатеринбург, Омск, Томск, Тобольск, Тюмень, Ирбит, Оренбург ва Олмаота каби жами 25 дан зиёд архив ва музейларда бевосита бўлиб, изланишлар олиб борди. Қадамба-қадам тўпланган бой ва ноёб маълумотлар асосида “Ўрта Осиё ва Волга бўйлари”, “Ўрта Осиё ва Урал бўйлари”, “Узбеки в Сибири” сингари асарлари дунёга келди. 1964 йилда “Ўрта Осиё ва Сибир” асари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳамид Зиёев 1965-1996 йилларда Тарих институтининг “XIX асрнинг иккинчи ярими - XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи” бўлимига раҳбарлик қилди. Шу билан биргаликда 1965-1985 йилларда Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. Олим ўз фаолияти давомида институтда юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашга алоҳида аҳамият бериб, кўплаб фан доктори ва номзодлар тайёрлашга, нафақат республика олий ўқув юртлари, балки қўшни республикалар учун ҳам илмий даражали кадрлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг кўпчилик мутахассислар қатори Ҳамид Зиёевнинг ҳам илмий фаолиятида кескин бурилиш содир бўлди: олим учун ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини холис ўрганиш ва тарғибот қилиш имкони пайдо бўлди. Устоз олим мустақиллик шарофати билан кўп ва самарали



ишлади, десак муболаға бўлмайди.

Ҳамид Зиёев, аввало, Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилик даври тарихини ўрганишни давом эттириб, 1998 йилда “Россиянинг Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” асарини яратди. Катта қизиқиш билан ўқиладиган бу китобда ўзбек ва бошқа туб аҳолининг босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашлари ўз ифодасини топди. “Туркистон замини Россияга ихтиёрий равишда қўшилган эди” деган сохта уйдирмалар тарихий далиллар асосида фош этилди, илмий жиҳатдан исботлаб берилди.

Эътироф этиш жоизки, Ҳамид Зиёевнинг илмий фаолиятида Ватан мустақиллигини тиклашга қаратилган миллий-озодлик курашлари мавзуси муҳим ўрин эгаллайди. Бу, айниқса, 2001 йилда чоп этилган “Ўзбекистон мустақиллигини тиклаш учун курашларнинг тарихи” китобида яққол намоён бўлган. Унда халқимизнинг озодлик ва мустақиллик учун аҳмонийлар, юнон-македонияликлар, араблар, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар, сўнгра Россия империяси тажовузи ва ҳукмронлигига, 1918-1924 йилларда совет ҳокимиятига ва ниҳоят мамлакат раҳбари Ислом Каримов бошчилигида 1980 йиллар охирида мустақиллик учун олиб борилган курашлар тарихи илк бор даврий изчилликда, босқичма-босқич ва тарихий далиллар асосида батафсил ёритиб берилди.

Устознинг “Буюк Амир Темур салтанати ва тақдири” номли китобида Соҳибқироннинг ўзига хос олий фазилатлари, ҳарбий юришларининг сабаб ва тарихий зарурияти хусусида сўз юритилади. Истиқлол йилларида Ҳамид Зиёевнинг “Истиқлол — маънавият негизи”, “Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси”, “Тарихнинг очилмаган саҳифалари” каби ўнлаб китоб ва рисолалари чоп этилди. Айниқса, олим томонидан яратилган асарнинг лотин алифбосида 13 жилдлик тўпламда чоп этилиши ёш авлодларимиз учун катта туҳфа бўлди.

Профессор Ҳамид Зиёев 90 ёш арафасида бўлишларига қарамасдан Ўзбекистоннинг Россия билан XVI асрининг иккинчи ярими, XX аср бошларида олиб борилган дипломатик муносабати ва савдо алоқаларининг тарихига доир 6 жилддан иборат асарлар тўпламини нашр қилди.

Устоз олим мустақиллик йилларида 40 та илмий асар, юзлаб илмий, илмий-оммабоп мақолалар ёзиб, тарих фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳамид Зиёев нафақат олим, балки моҳир мураббий ва устоз сифатида ҳам обрў-эътибор қозонди. Унинг бевосита раҳбарлигида 40 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бугунги кунда олимнинг шогирдлари Москва, Қозон, Бишкек, Олма-ота, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Хоразм каби шаҳарларда илмий-педагогик фаолият юритмоқдалар. Бундан ташқари кўплаб диссертация муаллифларига оппонент ва тақризчи сифатида илмий маслаҳатлар бериб келмоқда. Шунингдек, устоз узоқ йиллар мобайнида олий ўқув юртларида Шарқ мамлакатларида, Греция ва Рим тарихи бўйича сабоқ бериб келдилар.

Ҳамид Зиёев фарзандлари тарбиясига ҳам катта эътибор қаратган олимлар сирасига кирди. Бугунги кунда устознинг фарзандларидан уч нафари фан доктори илмий даражаси ва профессор унвонига, биттаси фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлиб, самарали меҳнат қилишмоқда, устоз анъаналарини давом эттиришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олим асарларининг жуда кенг ва ноёб тарихий манбаларга асосланганлиги уларнинг илмий аҳамиятини янада кучайтиради. Олим асарлари истиқлол ва миллий давлатчилик ғоялари, ватанпарварлик ҳамда миллий манфаатлар руҳи билан суғорилганлиги боис нафақат илмий, балки тарбиявий жиҳати билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, устознинг бадиий-публицистик асарлари ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга ахлоқий ва умуминсоний фазилатларни сингдиришда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Забардаст олим, устоз ва мураббий Ҳамид Зиёевни муборак 90 ёшлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. Устоз олимнинг ибратли ҳаёт йўли, илм-фандаги сермаҳсул ва фидокорона меҳнатлари илм аҳли, биз шогирдлар, айниқса, ёшлар учун намуна ва ибратдир.

**А.АШИРОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**
**С.АГЗАМХАДЖАЕВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

Реклама

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Меҳнатсевар халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам*

## Мустақиллик куни

*билан муборакбод этади.*



*Шундай фараҳли кунларда барчангизга мустаҳкам соғлик, хушкайфият, оилавий бахт тилаймиз. Гўзал диёримиздан тинчлик-осойишталик, фаровонлик, меҳру оқибат аримасин!*



**МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ БЎЛСИН!**

MILLIY TIKLANISH
33 (250) 2013 йил
28 август, чоршанба



Бизнинг шарҳ

# СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

**Мамлакат сиёсий доирасида 43 та партия фаолият олиб борса-да, шундан 12 та сиёсий куч сайловларнинг доимий иштирокчилари саналади**



***Дунё саҳнасида шаҳар-давлат номи билан машҳур бўлган Сингапур давлати иқтисодий тараққиёт, аҳолининг яшаш шароити, ахборот технологияларининг ривожланиши бўйича жаҳонда юқори ўринларда туради. 1965 йил 9 август куни мустақилликка эришган, 5 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган мазкур давлатнинг юксалиши, ривожланишида давлат раҳбарлари, юқори ваколатли органлар, айниқса, парламент томонидан олиб борилаётганислоҳотлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зеро, парламент аъзолари халқ ва ҳукумат ўртасида ўзига хос воситачи саналиб, фуқаролар томонидан илгари сурилган қатор муаммолар парламент кун тартибига қўйилади.***

Маълумотларга кўра, мамлакатда бир палатали парламент шакллантирилган бўлиб, унга 87 нафар депутат сайланиши белгилаб қўйилган. Айрим ҳолатларда сайловда етарли овоз тўплай олмаган партия аъзолари ҳисобига қонун чиқарувчи олий идора аъзолари 99 нафаргача оширилиши мумкин. Парламент вазирлар кенгашини шакллантирса, энг юқори натижани қайд этган партия сафидан бош вазир сайланади.

Сингапур давлатида ҳокимият ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, ўз халқи ва сиёсатига садоқатли кишиларгагина ишониб топширилади. Мамлакат конституцияси республиканинг олий қонуни бўлиб, мазкур ҳужжатда ижроия, қонуншунослик ва суд-ҳуқуқ ҳокимиятининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Конституцияга парламент аъзоларининг учдан икки қисмидан кўпининг розилиги билан икки ёки учинчи ўқишда ўзгартириш ва тузатишлар киритилиши мумкин.

Сингапурда депутатлик ваколати беш йилга мўлжалланган бўлиб, борди-ю, парламент тарқатиб юборилса, уч ой мобайнида янги сайлов ўтказилиши лозим. Айни пайтда мамлакатда 43 та партия фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 12 таси сайловларнинг доимий қатнашчиларидир. Улар орасида демократик тараққиёт, халқ, либерал-демократик, ишчи ва ислоҳотчилар партиялари мамлакатда ўтказиладиган сиёсий тадбирларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Сиёсий партиялар парламент тарқатилганидан сўнг беш кундан бир ойгача бўлган муддатда ўз номзодларини кўрсатишлари лозим. Ҳар бир номзодга сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун давлат ғазнасидан маълум миқдорда маблағ ажратилади. Депутатликка номзод сайлов компанияси бошланишига камида икки кун қолганида рўйхатдан ўтиши шарт.

Халқ томонидан 6 йилга сайланадиган мамлакат президентига ташқи ва ички сиёсатга алоқадор айрим масалаларда вето қўйиш ваколати берилган. Президент бош вазирни ҳам тайинлайди. Айрим сабаблар билан унинг ўрни бўш қолса, олти ой мобайнида сайлов ўтказиш қонунда белгилаб қўйилган. Сайловда ҳар бир фуқарога мажбурий тарзда шахсан ўзи сайлов участкасига бориб, танлаган номзодига яширин равишда овоз бериш имкони яратилган. Сайлов натижалари ҳукумат ахборотномаларида эълон қилинади.

Сингапурликларнинг учдан икки қисмдан кўпчилигига овоз бериш ҳуқуқи берилган. Парламентда бўшаб қолган депутатлик ўрни учун ҳам такрорий сайловлар ўтказиб турилади. 2012 йилнинг 14 январидан ижтимоий тараққиёт ва оила масалалари бўйича вазир бўлиб ишлаган Ҳалима Йакоб тўққизинчи, бошқача айтганда, Сингапур тарихидаги биринчи аёл спикер сифатида ўз вазифасини бажаришга киришди. Конституцияга мувофиқ, у илгари эгаллаб турган лавозимини бўшатишга мажбур.

Ҳалима бинти Йакоб 1954 йилнинг 23 августида таваллуд топган бўлиб, мамлакатдаги хитой ва танджонг аёллар мактабида таҳсил олган. Сингапур университетини тугатиб, бакалавр, 2001 йилда Сингапур миллий университетида ҳуқуқшунослик магистри даражасига эга бўлди. Ҳалима хоним бош қароргоҳи Женевада жойлашган Халқаро меҳнат ташкилотида юқори лавозимларда фаолият юритган. Кейинчалик, "Халқ ҳаракати" партиясининг парламентдаги Йуронг округи вакили бўлди. Ҳалима Йакоб 2001 йили "Йил муваффақияти" ва 2003 йили "Йил аёли" мукофотига сазовор бўлди.

Сингапурни бежизга шаҳар-давлат дейишмайди. 714 квадрат километр майдон (Москва шаҳридан кичик)ни эгаллаган мамлакатда 77 фоизи хитойлик, 14 фоизи малайлик ва 7 фоизи ҳиндлар истиқомат қилмоқда. Осиё Швейцарияси туризм соҳасида Нью-Йорк, Париж каби давлатлардан сўнг бешинчи ўринда туради. 1963 йили Буюк Британия мустамлакалигидан халос бўлган бу митти мамлакат аҳоли жон бошига даромад миқдори бўйича Европадаги қатор давлатлардан юқори туради. Аҳолининг 90 фоизи ўз уйига эга, дунёдаги энг озода, саранжом-саришта мамлакат ҳам айнан Сингапурдир. Бунда мамлакатнинг биринчи бош вазири шу лавозимда 26 йил фаолият юритган Ли Куан Юнинг хизматлари беқиёсдир. "Херри Ли" тахаллуси билан ном қозонган бу шахс Кембридж университетида ҳуқуқ соҳасида илм олган.

Парламент наркобизнес ва қотиллик бўйича ўлим жазоси берилиши мумкин бўлган жиноят ва жиноий процессуал кодексларга тузатишлар киритиш масаласини кўриб чиқмоқда. Агар ушбу масала ижобий ҳал этилса, ўлимга ҳукм этилган яна 34 кишининг жазоси енгиллаштирилиб, у умрбод қамоқ жазосига алмаштирилиши мумкин. Парламент аъзолари олдида яна бир жиддий синов турибди. Жорий йилнинг 8 февралида депутатлар томонидан 2030 йилгача 5,3 миллионлик аҳоли сонини 6,9 миллион нафаргача етказиш ҳақида қабул қилинган қарор халқ норозилигига сабаб бўлаётир. Маҳаллий халқни биринчи навбатда аҳолининг туғилиш даражаси эмас, аксинча, кўп сонли кекса одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш масаласи қизиқтирмоқда. Шунингдек, сингапурликлар четдан ишчи кучларининг жалб этилишига қарши, лекин муҳожирларсиз 2020 йилгача аҳоли сони кескин камайиши кутилмоқда. Шу боисдан, ҳар йили 15-25 минг ажнабий "Шерлар" шаҳри ёки "Олтин миллиард" давлатда Сингапур фуқаролигини олмоқда.

Сўнгги хабарларга қараганда, айрим парламент депутатлари хорижий ишчи-мутахассисларни маҳаллий фуқаролар билан алмаштириш таклифини ўртага ташламоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу биринчи навбатда хориж ишчиларининг жалб этилишига чек қўйиш, Сингапурда хориж компаниялари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу чеклов маҳаллий олий ва ўрта-махсус ўқув юртларини битирган йигит-қизларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини юргизишдан катта аҳамият касб этишини унутмаслик керак. Хуллас, мазкур масала парламент, мамлакатдаги бошқа сиёсий органлар ва аҳоли томонидан жиддий муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**Сингапур дунёда яшаш учун энг қиммат 6 та шаҳар рўйхатида туради. Мамлакатда электрон, оптик асбоблар, компьютер техникалари, нефт-газ маҳсулотлари, бурғулаш платформалари ишлаб чиқарилаётир. У Нью-Йорк ва Лондондан кейин учинчи дунё молиявий маркази, юк олиб ўтиш бўйича етакчи мамлакат ҳамдир.**

Реклама ўрнида

MIKROKREDITBANK

# Микросармоялар — кичик бизнес тараққиёти йўлида

***Жорий йилнинг 12 август куни «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компанияси "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг 2012-2013 йиллардаги фаолияти учун "Барқарор" рейтингини тақдим этди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, натижасида яратувчиликнинг энг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси кун сайин равнақ топаётир. Мазкур жараёнларда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки фаол иштирок этмоқда.***





(ЎзА) олган суратлар.

Банк жорий "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида қизғин фаолият олиб бормоқда. Хусусан, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда аёлларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён этиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, банк томонидан республика миқёсида иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар миқдори 294,5 млрд. сўмга етказилди. Шунингдек, соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматлар кўлами 151 млрд. сўмни ташкил этди. 28,5 млрд. сўмлик имтиёзли маблағлар эса бошланғич сармояни шакллантириш учун йўналтирилди. Энг муҳими, мазкур кредитлар ҳисобига 64 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда банк меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда бу йўналишдаги белгиланган прогноз кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларни, олис туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 13,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор - юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айниқса, аёлларга хос фидокорлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар улар билан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар йўлини очади. Шундай корхоналар борки, уларда асосан аёллар меҳнат қилади. Банк уларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини рағбатлантириш, ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий маиший шароит яратиш чора-тадбирларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Булардан ташқари, тадбиркор аёлларга Германия жамғарма кассаларининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида аёл тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, паррандачилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Банк Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Жумладан, фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди билан ҳамкорликда тренинглар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди. Жорий йил давомида 5 минг нафар тадбиркор аёлга 33 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида айни пайтда Халқаро тараққиёт уюшмаси, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт Дастурининг лойиҳаси ҳамда Германия жамғарма кассаларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Банк матбуот хизмати**

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# “АСАКА” банк (ОАЖ) жамоаси



### Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик

**байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

## «МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (12 ой ) сўнг берилади.

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**
**Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**



| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиарик филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**
**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**Хизматлар лицензияланган!**

Матбуот анжумани

# Янги ўқув йили

## тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмокда

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги ва янги 2013-2014 ўқув йилига тайёргарлик муносабати билан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг оммавий ахборот воситалари билан матбуот анжумани ташкил этилди.

Маълумотларга қараганда, бош бошқарма тасарруфида жами 847 та муассаса фаолият юритиб, шунинг 290 таси мактаб, 447 таси мактабгача таълим муассасаси, 5 таси меҳрибонлик уйи, 17 таси махсус мактаб-интернат, 30 таси мусиқа ва санъат мактаби, 12 таси Баркамол авлод маркази, 45 таси спорт мактаби,1 таси шаҳар малака ошириш институтидир. Бугунги кунда ушбу муассасаларда истиқлол байрами ва янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича ишлар қизғин давом этмоқда.

Ўқувчилар ва ота-оналарга қулайликлар яратиш мақсадида 24 та умумтаълим мактабида “Мактаб бозорлари” ташкил этилди. Ушбу бозорлар фаолияти 2013 йил 1 августдан 1 сентябрга қадар давом этади. “Мактаб бозорлари” шаҳарнинг чекка ҳудудлари, ҳамда шаҳар марказий бозорларидан узоқда жойлашган муассасаларда ташкил этилган.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Жорий ўқув йилида 1-синфдан бошлаб чет тили ўқитилади. Айни пайтда пойтахтдаги 290 та мактабда чет тилини ўқитишга тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## ҲИКМАТ

***Инсонга ҳаётда энг кўп фойда берадиган нарса — умид.***

А.Ф.Вельтман

***Ўзига хослик ва ўз қадрини билаш фақат меҳнат ва кураш билан қўлга киритилади.***

Ф.М.Достоевский

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Беҳи

**Халқ табобатида беҳи мевасининг шарбати билан астма, юрак, сариқ ҳиқичоқ, қорин оғриғи, дизентерия хасталиклари даволаб келинган. Бугунги кунда беҳи дармонсизлик, камқонлик, йўтал, меъда, жигар ва буйрак касалликларини даволашда ҳам қўл келмоқда.**



Пишиб етилган мева таркибида 10 фоиздан кўпроқ қанд, жумладан, 6,2% гача фруктоза, 0,6% гача ошловчи моддалар ва 5% атрофида пектин моддалар, 3% дан ортиқроқ органик кислоталар (олма, сирка, лимон кислоталари), эфир мойлари, С витамин, темир ва мис тузлари бор. Янги узилган нордон беҳи анча фойдали ҳисобланади. Нордон беҳи хушхўр бўлади. Айниқса, унинг шарбати тана аъзоларини тозалабгина қолмай, қувват ҳам беради. Беҳининг уруғи эса танани буриштирмасдан юмшатади. Беҳи уруғларида 2% гача шилимшиқ, 0,53 фоизгача амигдалин гликозиди, 8% дан кўпроқ ёғли мой, ошловчи ва бошқа моддалар мавжуд. Бундан ташқари, беҳи уруғларидан тайёрланган қайнатма ангинада томоқ чайиш, конъюнктивитда кўзга қуйиш учун, шунингдек, бадан терисини юмшатувчи восита сифатида ҳам қўлланади.

## БИЛАСИЗМИ?

Дунё бўйича амалга оширилган энг қисқа авиарейс Оркнейм ороллари орасидаги Вестрей ва Ота Вестрейга қилинган парвоздир. 2 дақиқа давом этган парвоз 2,5 километр масофа оралиғида амалга оширилган.

* * *

Энг узоқ рейс эса Чанги халқаро аэропортидан Ньюарк Либерти аэропортигача қилинган парвоз бўлади. Бу икки нуқта оралиғидаги масофа — 15000 километрдан кўп бўлиб, авиарейс нақд 18,5 соат давом этган.

## ТУРФА ОЛАМ

# Антиқа стакан

**ВЬЕТНАМЛИК ДИЗАЙНЕР ХУАН ШИ ШАО СУВИ ТЕЗ СИЛҚИЙДИГАН СТАКАН КАШФ ЭТДИ.**



Мазкур стакан ўлканинг иссиқ ва нам обҳавосига мўлжалланган бўлиб, чайилгандан сўнг тезда қуриб қолиши билан оддий стаканлардан фарқ қилади. Бундай хусусиятга стакан оғзининг сал қийшиқроқлиги туфайли эришилган. Яъни, чайилган стакандаги ортиқча сув айнан ўша қийшиқ жойидан оқиб кетади. Стаканга тез қуриш хусусиятининг нима кераги бор, дерсиз? Гап шундаки, иқлими Вьетнамга ўхшаш мамлакатларда чайилгандан сўнг тўмпариб қўйилган стаканлар тезда қуриб қолмайди. Натижада, стаканлар ҳидланиши ёхуд моғор босиши мумкин. Шу боис, улар ана шундай тез қурийдиган стаканларга эҳтиёж сезишади.

# Телефон ирғитиш мусобақаси

**МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАРНИ УЗОҚҚА ОТИШ БЎЙИЧА ЎЗИГА ХОС ЧЕМПИОНАТНИНГ ГАЛДАГИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**



Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига финляндиялик Рик Хаверинен (97,73 м.), аёллардан эса швециялик Осе Лундгрен (40,41 м.) кўтарилган. Телефон ирғитиш мусобақаси Савонлинна (Финляндия) шаҳрида 2000 йилдан буён ўтказиб келинади. Бундай мусобақани ўтказиш ғояси Кристен Лундга тегишлидир. Унинг таъкидлашича, мобил телефонларни узоққа отиш одамларга шунчаки завқ улашибгина қолмай, эски телефонлардан ҳеч иккиланишсиз халос бўлиш имконини беради. Бироқ, мусобақанинг ўзига хос тартиб-қоидалари ҳам бор. Ирғитилаётган телефоннинг оғирлиги 200-400 граммдан ошмаслиги шарт. Мусобақа ғолибларига келсак, уларнинг ҳар бири ўйин баҳона янги телефонли бўлиб олади.

**Зафар МУХАММАД тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши ЎзМТДП фаоли, халқ таълими вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилоят филиали директори

**Шавкатбек ОМОНИЛЛАЕВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 819, Адади — 6201. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2.30.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 4 5

Реклама

22 йил

**“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

*Юртдошларимизни, барча ҳамкасбларни*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни*

*байрами билан чин дилдан табриклайди.*

*Мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга соғлик-омонлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.*



**БАЙРАМ МУБОРАК!**

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Барчани энг улуғ, энг азиз байрам —*

*Мустақилликнинг 22 йиллиги*

*билан самимий табриклайди.*



22 йил

**Осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин!**

Реклама

MMS
"MAGNUM MEDIKAL SERVIS" МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини мамлакатимиз
Мустақиллигининг 22 йиллик
байрами муносабати билан қизғин муборакбод этади.
Барчангизга соғлик-омонлик, оилавий бахт
ҳамда хуш кайфият тилаймиз.




БУХОРО ВИЛОЯТ "ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ"
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КОГОН ТУМАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Серқуёш Ўзбекистон халқи ва қишлоқ хўжалиги
соҳаси вакилларини улуғ байрам –

Мустақилликнинг
22 йиллиги

билан самимий қутлайди.




Алоқа хизмати

*Турмушимизни бугунги кунда алоқа хизматисиз тасаввур қилолмаймиз. Бу беминнат хизмат туридан деярли ҳар куни фойдаланамиз. Шу хизмат туфайли оғиримиз енгил, манзилимиз яқин бўлади. Телефон орқали узоқдаги яқинларимизнинг ҳолидан хабардор бўламиз. У бизга ишда ҳам яқин кўмакдош. Қисқача айтганда, алоқа хизмати бугунги кунда кундалик ҳаётимизнинг узвий бир бўлагига айланди. Шу боис мамлакатимизда алоқа тизими сифатини яхшилаш, кўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# Технологик янгиланишлар

## Хоразмда ўз самарасини кўрсатмоқда

Айтиш керакки, бундан атиги 15-20 йил олдин нафақат қишлоқларимиз, ҳатто шаҳарларимиздаги мавжуд алоқа тизими хам талабга жавоб бермасди. Телефон орқали боғланиш ниҳоятда мушкул иш эди. Чет элларни қўя туринг, бирор вилоятга сим қоқмоқчи бўлсангиз, операторга буюртма бериб, телефон олдида соатлаб кутишга тўғри келарди. Бугунга келиб манзара бутунлай ўзгарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тизим фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга бўлган эътибор туфайли «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги филиалларининг хизмат сифати тубдан яхшиланди. Бугун уйимизда ўтириб, дунёнинг хоҳлаган мамлакатига, нуқтасига сим қоқиб, гаплашиш имкониятига эгамиз. Хусусан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Хоразм филиали иш фаолиятида ҳам тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини яққол кузатиш мумкин.

Ҳозирда «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиали таркибида 115 та телефон станцияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 93 таси рақамли телефон станцияларидир. Вилоятдаги ана шу мавжуд алоқа телефон станцияларини тўлиқ қайта реконструкция қилиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Айни пайтда вилоят бўйича телефон станцияларини рақамлаштириш даражаси 95.2 фоизни ташкил этади.

Вилоятда телекоммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни ўтган йилларда Хитой давлатининг "Эксимбанк" кредити асосида Қўшкўпир тумани марказий АТСи 2208 рақамли ва Қўшкўпир тумани "Янгилик" мавзесида 608 рақамли, Қўшкўпир тумани "Янгиёп" мавзесида 608 рақамли кўча типидаги станциялар монтаж қилиниб, ишга туширилди. Бундан ташқари О.Жуманиязов номли қишлоқда 500 рақамли анологли телефон станцияси реконструкция қилиниб, 512 рақамли ва О.Қурбонов номли қишлоқда 600 рақамли анологли телефон станцияси реконструкция қилиниб, 608 рақамли "ZTE" компаниясининг рақамли станцияларига монтаж қилинди. Шунингдек, Хазорасп туманида янги кўча типидаги 608 рақамли станция монтаж қилиниб, жами сиғими 5152 рақамга тенг бўлган Хитой давлатининг "ZTE" компаниясининг рақамли станциялари мутахассисларимиз томонидан монтаж қилиниб, ишга туширилди .

Маҳаллий ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар ҳил сиғимдаги 54 та "Коинот Эл-СГМ" телефон станцияси вилоятимизнинг чекка қишлоқларидаги эски анологли телефон станциялари ўрнига монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Маҳаллий тармоқни NGN технологияси асосида ривожлантириш режасига асосан шаҳар телефон тармоғида 14 000 рақам реконструкция қилиниши кўзда тутилган бўлиб, 2013 йилда Урганч шаҳар телефон тармоғида умумий монтаж сиғими 14000 рақам бўлган 4, 6-АТС ўрнига 13 та MSAN ўрнатилиб , ҳозирда ушбу станцияларни бир-бирига оптик толали кабеллар орқали улаш ва монтаж ишлари давом этмоқда.

Бу янги технологияларнинг ишга туширилиши билан, 1970-80 йилларда ер ости телефон канализациясига ташланган, ҳозирги кунда эксплуатация харажатлари катта бўлган сиғими 400, 500, 600 ва 1000 парлик мис кабеллар эксплуатациядан чиқарилади ва ўрнига оптик толали кабел орқали уланадиган 13 та MSAN — кўча типидаги станциялар монтаж қилиниб, ишга туширилади. Бу билан эксплуатация харажатлари кескин камаяди ва қўшимча равишда янги турдаги телекоммуникация хизматлари кўрсатиш имкони пайдо бўлади ҳамда мижозларга кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифати яхшиланади.

Янги NGN технологияси асосида ишлайдиган телефон станцияларида мижозларга бир вақтнинг ўзида бир нечта хизматлар кўрсатиш имконияти яратилади, яъни телефон хизмати, FTTX технологияси асосида юқори тезликдаги интернет хизмати, интернет банкинг, IPTV хизматлари ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади.

Иш жойлари автоматик тизимга ўтказилиб, тегишли дастурлар билан таъминланди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Муҳими, тизимга жорий этилаётган бундай технологик янгиликлар, яратилаётган қулайликлар мижозлар сонининг тобора ортишида, ўз навбатида даромаднинг янада кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда Хоразм филиали бўйича ишлаб турган телефон аппаратлари сони 93 мингдан ортди.

Уяли алоқа тармоғи тобора кенгайиб бораётган, рақобат ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда тизимга илғор технологияларни изчиллик билан жалб этиш долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадда филиалнинг барча туман боғламаларида «Ўзбектелеком Мобайл» терминалларини сотиш йўлга қўйилди. Интернетни ривожлантириш учун жойларда юқори тезликни таъминловчи ускуналар монтаж қилиниб ишга туширилди. Бунинг эвазига ўтган ойларда 7000 дан зиёд мижозларга ADSL технологияси асосида интернет хизмати ҳамда 5000 тадан ортиқ «Ўзбектелеком Мобайл» терминалларига мижозлар уланди. Шунингдек, мижозларни қўшимча хизмат турларига улаш орқали даромадлар кескин ошишига эришилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали жамоаси алоқа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турларини янада кўпайтириб, сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Бу эса уларни қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллашга ундайди.

**Зафар КАРИМОВ,**
**"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали бош муҳандиси,**
**ЎзМТДП дан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати**

Реклама







**Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан**

# Юрт ободлиги, турмуш фаровонлиги

**инсон манфаатларига хизмат қилмокда**

***Юртга баҳо беришда, шу заминда яшовчи халқнинг турмуш фаровонлиги даражаси ҳисобга олинади. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, инсон манфаатлари устувор саналган юртда тараққиёт бўлади.***

Бугун гўзал Наманганда бўлиб, туман ва шаҳарларини кезсангиз, бу заминнинг гуллаб-яшнаётганини, тараққиётга юз тутаётганлигини кўрасиз. Кенг кўламли ўзгариш ва янгиликлардан кўзингиз қувнайди. Дарҳақиқат, истиқлол ушбу гўшанинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи уйғонди. Вилоятнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шу асосда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бераётганини кўриш мумкин.

Бугун Поп туманида ҳам яратувчанлик, бунёдкорлик каби эзгу ниятда юрган юртдошларимизни кўплаб учратиш мумкин. Бутун мамлакатимиз бўйлаб қизғин давом этаётган янгиланиш жараёнлари туманнинг ҳар бир гўшасида ўз аксини топмоқда. Энг олис қишлоқларда ҳам пухта ўйланган лойиҳалар асосида, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда уй-жойлар қурилаётгани юртдошларимизни қувончига сабаб бўлмоқда. Туманда 2012 йилда намунавий лойиҳалар асосида 45 та уй-жой барпо этилган бўлса, бу йил 70 та замонавий уй-жойни ўз эгаларига топшириш режалаштирилган. Кишига хушкайфият берадиган бунёдкорлик манзараларини "Уйғур" МФЙ ҳудудидаги "Уч уйли" мавзесида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ана шундай уй-жойлардан 25 таси қурилиб, фойдаланишга топширилиши арафасида. Аҳмадхўжа Ҳакимов раҳбарлигидаги "Чинобод махсус қурилиш" ва "Тўда Чинобод плюс" МЧЖ қурувчилари қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришди. Яқинда кўп оилалар ҳовли тўйларини нишонлади.

Мусиқанинг таълим-тарбиядаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Муҳтарам Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим қадам бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат туфайли соҳада катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг салобат билан, қишлоқларимиз кўркига кўрк бериб турган муҳташам санъат кошоналарини кўрасиз.

Туманидаги 7-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши март ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 443 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди. Қурилиш ишларини Собиржон Абдулазизов раҳбарлигидаги "Дегрез қурилиш савдо-саноат сервис" хусусий корхонаси қурувчи муҳандислари бажаришди. Уни сифатли қилиб бажаришда қурувчилардан Аҳрор Мавлонов, Аҳмад Тожибоев, Ҳамиджон Тожибоев, Мўминжон Абдураҳмонов, Умархон Ҳалилов кўпчиликка ўрнак бўлишди. Ўқувчи ёшларнинг азалий орзуси бўлган бундай замонавий санъат кошонаси туман кўркига кўрк қўшиб турибди. Энди бу ерда чин истеъдод эгалари камол топиши шубҳасиз.

Ҳар қандай эзгу ишнинг рўёби иқтисодий имконият билан узвий боғлиқ. Поп туманида ҳам мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда. Биргина "ПопФен" МЧЖда 200 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган. Корхона маҳсулотлари экспортга чиқарилади.

— Туманимиз вилоят умумий ер майдонининг 47 фоизини ташкил қилади,- дейди биз билан суҳбатда "Файз нон савдо" МЧЖ раҳбари Алишерхон Олимхонов. — Туманимиз аҳолиси 200 минг нафарга яқин. 2012 йилда ўз фаолиятини бошлаган "Файз нон савдо" МЧЖ томонидан замонавий тикув машинаси, дазмоллаш ва пресслаш дастгоҳлари ўрнатилганидан сўнг янги моделларни яратиш имконияти юзага келди. 72 нафар хотин-қиздан иборат меҳнат жамоаси томонидан айни кунда 35 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масъулияти чекланган жамиятимиз томонидан йил бошидан 8 турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, Чодак қишлоғида филиалимизни очдик. Бу ерда ҳам 50-60 нафар янги иш ўрни яратилди. Биз, асосан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга қабул қилдик. Фаолиятимиз қўллаб-қувватланаётгани боис, айни кунларда 18 ўринли замонавий меҳмонхона ва овқатланиш мажмуаси қурилишини бошлаб юбордик. Шунингдек, тўқув дастгоҳларини олиб келишни ҳам режалаштирганмиз. Поплик тадбиркор ва ишбилармонлар, ҳомийлар кўмагида туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи қайтадан таъмирланди. Аҳолига кўплаб қулайликлар яратилиш билан бирга, савдо мажмуалари, болалар майдончаси қуриб, битказилди.

* * *

Фарзандларимиз саломатлиги ва таълим тарбиясига ҳар тарафлама эътибор берилаётганлигида эртанги кунимиз эгаларига билдирилаётган юксак ишонч ва рағбат мужассам. Осмони мусаффо, халқи фаровон юртга эса ободлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари ярашади. Бу борада наманганлик юртдошларимиз амалга ошираётган ишларни кўриб қувонасиз. Норин туманидаги "Тўда" ҚФЙ ҳудудидаги 23-сонли умумтаълим мактабида 12 га 24 ҳажмда спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди. Тендер баҳоси 372 миллион 609 минг сўмлик қурилиш мажмуасини Элёрбек Собиров раҳбарлигидаги "Элёрбек Муҳаммаддиёрбек қурилиш савдо" МЧЖ қурувчилари муддатидан аввал, сифатли қилиб битказишди.

— Тараққиёт, юксалиш, ободлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бугун вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ишларда қалби қайноқ, янгиликка интилувчан ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаётгани кишини қувонтиради. Мен ҳам ота касбини давом эттириб, бир неча йиллардан буён вилоятимизда қурилиш, таъмирлаш ишларида қатнашиб келаяпман. Дадам Ғофур Тошпўлатовнинг ёнида юриб, қурувчилик касбининг сир-асрорларини ўргандим. Ҳар бир ишимизни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш ҳаракатидамиз. Ушбу спорт залини ҳам қисқа фурсатда қуриб битказдик. Бу ерда ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган,- дейди "Элёрбек Муҳаммаддиёрбек қурилиш савдо" МЧЖ раҳбари Э.Собиров.

Тиббиётда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли Наманган вилоятида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда Бу соҳадаги ишларни кенг қамровда олиб боришда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ривожи йўлида дастуриламал бўлмоқда.

— Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга кўра, жойларда ихтисослаштирилган шифо масканлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда, -дейди биз билан суҳбатда "Мирхолдиршо ота" хусусий корхонаси раҳбари Отабек Саматов. — Мавжудлари таъмирдан чиқарилмоқда. Ушбу муассасаларнинг жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикка аниқ ташхис қўйиш, беморни самарали муолажа усуллари ёрдамида даволаш имконини бераяпти. Бизнинг корхонамиз қурувчилари Норин туман марказида бир кунда 250 беморни қабул қилишга мўлжалланган марказий поликлиникани мустақиллик байрами арафасида капитал таъмирдан чиқариб, муддатидан аввал фойдаланишга топширдик. Бу биринчи босқич ҳисобланиб, 1 миллиард 122 миллион 771 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардик. Фидокорона меҳнатимиз билан юртимизни гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилаётганимиздан мамнунмиз.

Бир сўз билан айтганда, наманганликлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 22 йиллигини улкан ютуқлар билан қарши олиш ҳаракатидалар. Бу уларнинг ҳатто юзкўзларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун вилоятнинг қайси туманида бўлманг, қайси соҳасини кузатманг, истиқлол инъом этган улкан имкониятлар ҳаётда ўз ифодасини топаётганини кўрасиз. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган бу ўзгаришларнинг барчаси инсон, унинг бахти ва саодати, турмуш ободлиги учунлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиради.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама




**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ ҲАМДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРИ**



*Диёримиз аҳлини энг саодатли айёмимиз*

**Истиқлолимизнинг**

**22 йиллиги**

*билан самимий табриклайди.*



**Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ватанимиз мустақиллиги барчамизга муборак бўлсин, азизлар!**

**НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ "ДЎСТЛИК САВДО САНОАТ КОМПЛЕКСИ" МЧЖ жамоаси**

Юртдошларимизни

**Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёнаси**

билан чин дилдан қутлайди.



Юртимизда шоду хуррамлик билан нишонланадиган ушбу байрам ҳар бир хонадонга тўкинлик, фаровонлик, қувонч бахш этсин!

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

Реклама

O'ZBEKISTON POCHTASI

# "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ

*жамоаси*

*Сиз азиз юртдошларимизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам —*

## Мустақиллигимизнинг
## 22 йиллиги

*билан қутлайди.*




# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Таълим

# Билимли, истеъдодли ва ижтимоий

## фаол ёшлар — юрт келажаги

***Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мустаҳкам ўрни ва юксак обрўйига эга бўлди. Қўлга киритилган улкан натижалар замирида мамлакатимизда ҳар бир фуқаро учун кафолатланган эркин ижод ва яратиш ҳуқуқлари, юксак интеллектуал ва ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш йўлида яратилган шарт-шароитлар ётибди. Айниқса, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширила бошлади. Келажагимиз эгалари мамлакат раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ёшларимиз билимли, маънавиятли, кенг дунёқарашга эга бўлган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам муносиб шароитлар яратилган.***

Вилоятимизда бугунги кунда бунёдкорлик ва яратувчанлик йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар халқимиз фаровонлигини ошириш билан бирга ёшларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ошириш, туризм соҳасини ривожлантириш, аҳоли ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда ободонлаштириш ишларини тубдан ўзгартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги Фармойиши ва ушбу ҳужжат ижроси юзасидан қабул қилинган "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури ҳақидаги" ва "Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ҳамда Хоразм вилоятида сув таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Зеро, юқоридаги қарорлар вилоятимизнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаётини бутунлай янги босқичга кўтаришга асос бўлиб хизмат қилади. Биринчи қарорга кўра 2013-2015 йилларда вилоятда 253 та йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун 462 млн. АҚШ доллари сарф этилади. Натижада ёшларимиз учун минглаб янги иш ўрни яратилади. Питнак шаҳрида "Дамас" автомобиллари, Урганч шаҳрида экскаватор, туманларда метал ва полимер трубалар, музлаткичлар, маиший техника воситалари, велосипедлар, турли қурилиш материаллари, ип-калава, умуман, яқин йиллар ичида Хоразмда 45 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Иккинчи ҳужжат асосида 2013-2017 йилларда вилоят марказининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ва аҳолини тоза ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш ишларига 1,6 триллион сўм маблағ сарфланади. Қарорга асосан Урганч шаҳрида 30 та 2 қаватли, 24 та 4 қаватли турар жой бинолари, "Спорт шаҳарчаси", ёпиқ манеж ва сув ҳавзалари, турли спорт заллари, чим хоккейи стадиони, "Ёшлар маркази" барпо этилади.

Шунингдек, Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори вилоятимиз туризм тараққиётига кучли туртки бўлди. Қарор билан тасдиқланган Дастур доирасида соҳага 86,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб қилиниб, икки юзга яқин лойиҳалар амалга оширилади. Натижада кўрсатиладиган сайёҳлик хизматларининг ҳажми деярлик беш марта, уни экспорт қилиш ҳажми эса эса 3,8 марта ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан кейинги беш йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси бу йўлдаги эзгу ишларга ҳамоҳанг равишда баркамол авлодни вояга етказиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бел боғлаганлар. Доимий комиссиянинг сайёр йиғилишларини жойларда ўтказилиши ўз самарасини бермоқда. Бу жараёнда жойларда учраётган айрим камчилик ва муаммолар ўрганилиб, уларни ўз вақтида ечиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жумладан, доимий комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижросини таъминлаш мақсадида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида бажарилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятда прокуратура органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши, назоратсиз қолишларини олдини олиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ қатор масалалар юзсидан муҳокамалар ўтказилди. Хусусан, 2013 йил 9 январда Хоразм вилояти ҳокимлигида мамлакатимизда ёшлар сиёсатига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматининг Фармон, қарорларининг бажарилишини таъминлаш, 2013 йил — "Обод турмуш йили" Давлат Дастурида белгиланган устивор йўналишлар ҳамда тармоқ, маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш бўйича доимий комиссия олдида турган вазифалар тўғрисидаги масалалар доимий комиссия депутатлари билан муҳокама қилинди.

Ўтган вақт мобайнида Гурлан, Янгибозор тумани ва Урганч шаҳар ҳокимликларида Президентимизнинг қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи атрофлича муҳокама қилинди. Бўлиб ўтган йиғилишларда қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи ҳақида тегишли раҳбар ва мутахассисларнинг ҳисоботи эшитилди. Муҳокамаларда Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш, иқтисодиётни модернизациялаш, янги қувватларни ишга тушириш, мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш, туризмни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаётгани таъкидланди.

Бугун вилоятдаги 3 та олий ўқув юртида 60 та йўналиш ва мутахассисликлар бўйича 8 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда. Талабаларга муносиб шарт-шароит яратиш борасида ҳам вилоятимизда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, олий таълим муассасаларнинг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини, шу жумладан, биргаликда фойдаланиладиган олий таълим муассасалариаро илмий-лаборатория комплекслари жиҳозланмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Урганч Давлат университетида ҳам асрга татигулик ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда университет ҳудудида тарих факультети ҳамда Ахборот ресурс маркази учун қуввати 600 нафар талабага мўлжалланган 6,0571 млрд. сўмлик янги ўқув биноси қурилиши ва 1, 3-сонли талабалар турар жойи биноларида 3,5696 млрд. сўмлик мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳозирги кунда Урганч давлат университетининг бош ўқув биносида "10-сон қишлоқ қурилиш корхонаси" томонидан 2012 йилнинг май ойидан бошлаб мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ўқув биноси 2150 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, жами бажариладиган мукаммал таъмирлаш ишлари 6,4413 млрд. сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари 2, 4-сон талабалар турар жойи биносида "Жаҳонгир қурилиш корхонаси" томонидан 2013 йилнинг март ойидан бошлаб мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ТТЖ биноси 280 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, жами бажариладиган мукаммал таъмирлаш ишлари 4,9994 млрд. сўмни ташкил қилади.

Филология факультети ўқув биноси ва кимё-техника факультети ўқув биноларида "Ирригация темир-бетон қурилиш корхонаси" томонидан 2013 йилнинг март ойидан бошлаб мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ўқув биноларининг ҳар бири 550 нафар талабага мўлжалланган бўлиб, жами бажариладиган мукаммал таъмирлаш ишлари 3,7147 млрд. сўмни ташкил қилади. Урганч давлат университети ўқув биноларини капитал таъмирлаш, қуриш ва реконструкция ишларини бажарилиши учун юқоридаги дастур бўйича 2012 йилда жами 9,628 млрд. сўм ва 2013 йилда эса 15,155 млрд. сўм маблағ йўналтирилган.

Ушбу биноларнинг аксарияти Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Бу эса жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган ёшларимиз учун муносиб совға бўлиши шубҳасиз.

Жорий йилда Хоразм воҳасида кўтаринки кайфият билан ўтказилган Республика олий таълим муассасалари талабаларининг "Талабалар баҳори" фестивали ёшларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси, иқтидорли ва ижодкор ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка ёшларимиз ҳам аъло ўқишлари, жамоат ишларида фаол иштироки, спорт ареналаридаги муваффақиятли чиқишлари билан муносиб жавоб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг ўзида университетнинг бир қатор спортчилари Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, Қозон шаҳрида ўтказилган талабалар универсиадасида, "Бухоро-2013" универсиада спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этдилар.

Ёшларимиз вилоятимизда бўлаётган қурилиш, бунёдкорлик ва ободончилик ишларида ҳам четда турганлари йўқ. Бугунги кунда Урганч давлат университет жамоаси, бунёдкор меҳнат отрядлари Урганч шаҳрининг 6, 25, 32-маҳаллаларидаги ободонлаштириш ишларида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Урганч шаҳрида қурилаётган "Ёшлар маркази" ва бошқа иншоотлар қурилишида, университет биноларидаги капитал таъмирлаш ишларида ҳам бунёдкор ёшларимиз борлиги қувонарли.

Жорий йилнинг 7-8 август кунлари Урганч давлат университетининг 1000 дан ортиқ ёшлари вилоятнинг барча ҳудудларида «Юртимни обод этаман» лойиҳасида фаол иштирок этдилар. Университет жамоаси вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардаги муқаддас қадамжолар ва қабристонларда ободонлаштириш ишларини олиб бориб, ҳудудларда яшаётган маҳаллий халқ вакиллари билан биргаликда савобли ишга бош қўшдилар.

"Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилотининг 200 нафардан ортиқ фаоллари вилоятнинг қатор туманларида ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан ҳабар олиш ва уларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида маҳаллий ҳокимият органлари ва "Маҳалла" жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда хайрли тадбирларни уюштирмоқдалар. Бу каби тадбирларнинг жамоавий характерга эга бўлиши, албатта, ёшларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат бағишлайди ва эртанги кун эгаларига намуна бўлиб хизмат қилади.

Албатта, ёшларимизнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлидаги ҳар қандай саъйи ҳаракатларини биз мутасаддилар қўллаб-қувватлаймиз, соғлом ва фаол турмуш тарзини бутун юртимиз ёшлари орасида оммалаштиришда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

**Рўзимбой ЭШЧАНОВ,**
**УрДУ ректори, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати, биология фанлари доктори**

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

*Юртдошларимизни*
*Мустақиллигимизнинг 22 йиллик*
*байрами билан қутлайди!*

***Энг улуғ ва энг азиз байрам барчага тинчлик-тотувлик, оилавий хотиржамлик олиб келишини тилайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:***



**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**
**"ОРОМ"** — *муддати 1 ой,*
**"РАВНАҚ"** — *муддати 3 ой,*
**"ОИЛА МАНФААТИ"** — *муддати 4 ой,*
**"МАФТУНКОР"** — *муддати 6 ой,*
**"САМАРАЛИ"** — *муддати 9 ой,*
**"САХОВАТ"** — *муддати 12 ой,*
**"ОБОД ТУРМУШ"** — *муддати 24 ой*

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**
**"СТИМУЛ"** — *муддати 1-3 ой*

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

**"МАДАД"** — муддати 1 йил
**"ҚУРИЛИШГА БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ"** — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағлар қабул қилинади.

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 150-77-21 |
| 2. | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 150-79-19 |
| 3. | Андижон минтақавий филиали | (374) 222-23-72 |
| 4. | Фарғона минтақавий филиали | (373) 229-70-91 |
| 5. | Наманган минтақавий филиали | (369) 223-04-37 |
| 6. | Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-92-21 |
| 7. | Самарқанд минтақавий филиали | (366) 210-02-49 |
| 8. | Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 771-04-26 |
| 9. | Сурхондарё минтақавий филиали | (376) 770-83-72 |
| 10. | Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 224-22-15 |
| 11. | Хоразм минтақавий филиали | (362) 227-48-15 |
| 12. | Сирдарё минтақавий филиали | (367) 221-00-71 |
| 13. | Жиззах минтақавий филиали | (372) 771-63-38 |
| 14. | Навоий минтақавий филиали | (436) 770-27-97 |



Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93, www.qqb.uz**

**ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!**

*Хизматлар лицензияланган*

**ҚЎШКЎПИР ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ**
**жамоаси**

*Юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам –*

**МУСТАҚИЛЛИК КУНИ**

*билан чин дилдан қутлайди.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!*

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



Реклама










**Истиқлол иншоотлари**

# Бунёдкорлик ва янгиланиш одимлари

***Мустақилликнинг қадр-қиммати, аҳамияти шу даврда қилинган амалий ишлар салмоғи билан белгиланади. Истиқлол туфайли азалий одатларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз қайтадан тикланди. Қанчадан-қанча муқаддас қадамжоларимиз обод қилинди.***

Яратувчанлик, ободлик ва бунёдкорлик тушунчалари ҳар бир юртдошимизнинг қалб амрига айланди. Буни бугун кўҳна ва навқирон Қашқадарё мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятни гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутишида қалб кўрини бериб меҳнат қилаётган, янгилик яратаётган ана шундай инсонларнинг хизматию ҳиссаси беқиёс.

Қарши шаҳридаги 9-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини таъмирлаш ишлари март ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 миллиард 928 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлди. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини Улуғбек Мўминов раҳбарлик қилаётган "231 махсус қурилиш" МЧЖ қурувчи ҳамда муҳандислари бажаришди. Носир Аҳмедов, Шерзод Аролов, Дилмурод Холмуродов каби ишчилар барчага ўрнак бўлишди.

—Болалардаги қобилиятни, истеъдоди ва иқтидорни ўз вақтида илғаб, уларга кўмаклашиш, нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг ҳам вазифаси саналади. Юртимизда ёшларнинг замон талаблари асосида таълим олишлари ва истеъдодларини юзага чиқаришлари учун бундай мактабларда барча имконият яратиб берилган. Бундай хайрли ишларда корхонамиз ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурувчиларининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувонаман, - дейди "231 махсус қурилиш" МЧЖ раҳбари У.Мўминов.

Юртимизда тиббиёт соҳасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланаётир. Бундай ижобий ўзгаришларни Қашқадарё вилоятида ҳам кўриш мумкин. Сайдулло Раҳмонов раҳбарлигидаги "Ғузор-F" МЧЖ қурувчилари бир кунда 120 беморни қабул қилишга мўлжалланган вилоят онкология диспансери биносини қуриш ишларини жадаллик билан олиб боришмоқда. Вилоят асаб касалликлари диспансери биноси эса яқинда - мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини "Мелератор махсус капитал қурилиш" МЧЖ бажарди.

— Бундай бунёдкорлик ишларида бир неча йиллардан буён қатнашиб келамиз,- дейди МЧЖ раҳбари Илҳом Ўринов. — 160 ўринга мўлжалланган, ҳар бири 80 ўриндан иборат 2 та бино, қабул ҳамда даволаш бўлимларини таъмирлаш учун 1 миллиард 407 миллион сўм маблағ сарфланди. Беморлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилган, бўлим ва хоналар тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Дарвоқе, Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицей учун 100 ўринли ётоқхонанинг қуриб битказилиши ҳам мустақиллик байрами арафасида ўқувчиларга муносиб совға бўлди. Улаш Суюнов раҳбарлигидаги "Дур" МЧЖ томонидан бу ерда 907 миллион 632 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу ишларнинг барчаси инсон манфаатлари, турмушимиз ободлигини кўзлаб амалга оширилаётганлиги кишига қувонч, ғурур, фахр-ифтихор туйғусини бағишлайди.

**Э.ДОРИПОВ,**
**Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама


TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ
“ТРАСТБАНК” хусусий очиқ
ҳиссадорлик биржа банки жамоаси
22 йил
Барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини Ватанимиз
Мустақиллигининг 22 йиллик
байрами билан табриклайди.
ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!


“СИРДАРЁПАХТАСАНОАТ”
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ
ОАЖ ЖАМОАСИ
Улуғ айём –
Мустақилликнинг 22 йиллиги
билан табриклайди.
ЭЛУ ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСУДА БЎЛСИН!


ҚЎШКЎПИР ТУМАНИДАГИ
“ТОХИРЖОН АШУРВОЙ” МЧЖ
жамоаси
Юртдошларимизни
энг қутлуғ байрамимизнинг
22 йиллиги
билан муборакбод этади.
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!


“ASIAELEGANTSTAR” МЧЖ жамоаси
Барчани Ватанимиз
Мустақиллигининг
22 йиллиги
билан қизғин
табриклайди.
Юртимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги
бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз.
RESTORAN
AVIAKASSA
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!